



Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Тарихий хотираси бор инсон - иродали инсон. Тарих сабоклари инсонни хушёрликка чакиради.
Ислом КАРИМОВ

СЎЗБОШИ

«...Илми таворих [тарих илми] нинг фойидамандлигига тамоми фирка муттафик ур-ройдурлар. Аксар тавойифи умам, балки, тамоми ахли олам бу илмни амалга кўйиб, гумоштагон-лариндин ривоят ва хикоятлар килиб, онинг ўзларига далил кила-дурлар. Хусусан, тавойифи атрок [турклар] ва ўзбеклар ўтган уруг ва қабилаларни ёдда тутмокка гоят жадду-жаҳд киладурлар. Аммо бизнинг Туркистон сартиялари тарихга кўп ахамият бермай, икки-уч отадин илгари ўтган салафларин ва аларни замонларидаги хикоят ва воқеотларини асло билмайдурлар. Бинобарин, каминаи ҳеч мадон [нодон] ажз ва кусуримни икром ва эътироф айлаб, сахв ва кусури бўлса, хонандаларини авф калами илан тасхих ва дуруст килмакларини рижа ва илтимос умидида Фаргона ва Хўканд хонлари ва оларнинг ахволотла-рини баъзи таворихлардин ва кухансол [қария] одамлардин ва ҳам худди камина ўзим эшитган ва кўрганларимни содқа ва расмий чигатой турк тилида мусаввада [қоралама] айлаб «Та-рихи Туркистон» ном кўйиб нашрига шуруъ килдим. Аллох таоло муваффақ айлаб итмоми [якуни]га еткурмокни муяссар килгай, токим туркистонлик биродарларимиз Фаргона хонлари, оларнинг замонлари ва воқеотлари ва Русия давлатига тобеъ бўлгондин эллик йиллик муддатда бўлгон ахвол ва атворимиз [хулкимиз]нинг кандай тагайюр [ўзгарган] ва табдил ва тараккийсига мулохаза айлаб, наъм ул-инкилоб натижасига иб-рат кўзи билан боксалар экан деб, ва биллохи тавфик».

Бугунги кунда ёш авлодни тарихни чуқур ўрганмасдан туриб келажак йўқ шиори остида тарбиялаш, тарихий онгни шакллантириш борасидаги маънавий-маърифий ишларни ривожлантиришда ўзбек зиёлиси, Мирзо Олим Махдум хожининг «Тарихи Туркистон» асари муайян рол ўйнайдик, муаллифнинг юкорида келтирилган, хозирда ҳам ўз қимматини йўқотмаган эътирофлари диққатга лойиқдир.

Умуман, Қўқон хонлиги ва шу ном билан аталувчи давлат ҳақида яратилган маҳаллий тарихчиларнинг асарлари сони 30 дан ошади. Қенг қўламдаги бу манбаларда хонликнинг

сиёсий тарихи, маданияти ва унинг турли ҳудудларида юз берган воқеалар тафсилотлари баён килинган. Қўкон тарихчилари асарларида қўшни мамлакатлар тарихи ҳам мавжуд. Қўкон тарихчилари мактаби ва уларнинг намояндалари ҳамда асарларига бағишланган махсус тадқиқот халигача яратилган эмас. Уларнинг асарларидан жуда кам қисми илмий муомалага киритилган ёки таржима этилиб чоп килинган.

Мазкур қирғишда биз Қўкон тарихи тарихшунослиги, манбашунослиги ва хонликнинг қисқа сиёсий тарихини ушбу «Тарихи Туркистон» нашридан олдин беришни лозим топдик. Биринчи «қўконшунос» олимларимиз Қўкон тарихи ва маданиятига доир асарлар ёзган маҳаллий тарихчилар ҳисобланади. Улар турли манбалардан, воқеа ва ҳодисаларнинг ишти-роқчилари берган маълумотлардан фойдаланиб, яратганлиги боис асарлари муҳим ҳисобланади.

Кейинчалик туркистонлик ва россиялик олимлардан Гр. Потанин, Д. Н. Романовский, В. Ханнков, А. Макшеев, В. Вельяминов-Зернов, В. В. Григорьев, А. П. Хорошхин, А. Нурекин, Н. Петровский, А. Ф. Мидендорф, А. Федченко, А. Кун, А. К. Гейнс, (Дм. Д-ой), В. В. Наливкин, М. Наливкина, С. Аб-дулғаффоров, Н. Веселовский, Н. Энгельгард, М. Михайлов, Л. Соболев, Н. Г. Малицкий, А. Брянов, В. В. Бартольд, Н. Г. Павлов, В. Ласточкин, А. Г. Серебрянников, Ч. Валиханов, А. З. Валиди, Л. А. Зимин, П. О. Кузнецов, Н. Я. Бичурин, М. В. Лавров, М.С. Андреев ҳамда хорижлик олимларнинг баъзи-лари маҳаллий муаллифлар асарларидан ҳам фойдаланиб, ўз тадқиқотларини яратган. Сўнгра А. А. Семенов, Р. Н. Набиев, А. П. Каюмов⁵, А. Ўринбоев⁶, П. П. Иванов, В. М. Плоских, В. А. Ромодин, Н. Д. Миклухо-Маклай, «Собрания Восточных Рукописей АН Узбекистана» (1-Х1 тт.)нинг муаллиф-лари", Б. В. Лунин, Ч. А. Стори, Ф. А. Озодаев, Х. Н. Бо-бобеков, Р. К. Бекмаханов, А. З. Валидов, Ч. Ч. Валихонов, С. С. Губаева, А. Х. Жувонмардиев, М. Кутлугов, Е. А. Маджи, А. А. Мухторов, Е. А. Полякова, Х. Содиков, Э. Хуршут, А. Т. Тагиржанов, Т. И. Султанов, А. Л. Троицкая, А. Саъдиев, Т. К. Бейсембиев, Т. Саидкулов, Х. Г. Гуломов, яқин ва узок хорижий мамлакатлар олимларидан С.С. Сооданбеков, Ю. Лунёв, Н. Терлетски, С.С. Ливай ва бошқалар ўз асарларида хонликнинг сиёсий-иқтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётини ёритганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, юқоридаги олимлардан бирортаси ҳам бевосита Қўкон тарихчилари асарлари билан махсус шугулланмаган. Қўкон тарихчилари мактабининг шаклланиши, унинг намояндалари ва асарларининг мазмунини ёритиб берувчи тадқиқотлардан А. Ўринбоев ва О. Бўриев, Т. К. Бейсембиев, Э. Хуршут, Ш. Воҳидов ва Д. Сангирова, Ў. Султонов, Б. Турсунов, Ш. Махмудов ва Солижон Йўлдошев ва оммавий услубдаги ишлардан Мухаммад Яҳёхон, Ш. Юсупов асарларини тилга олиш мумкин.

Бугунги кунда Қўкон тарихчилари мактаби намояндалари асарларидан саналмиш Мухаммад Ҳакимхоннинг «Мунтахаб ут-таворих» асари (факсимилеси, Душанбе, 1984, 1985; Токио, 2006, II жилди), Тожир Хўжандийнинг «Гаройиби сипох» (Хўжанд, 1991), Мирзо Олим Махдум хожининг «Тарихи Туркистон» (Карши, 1992), Мирзо Олим Мушрифнинг «Ансоб ус-сало-тин ва таворих ал-хавокин» («Қўкон хонлиги тарихи» номи билан нашр этилган. Тошкент, 1995; рус тилида Солижон Йўлдошевнинг илмий нашри. Тошкент, 2007), Мухаммад Юнус Тоибнинг «Тарихи Аликули амирлашкар» («Шарк юлдузи», 1996, 1-2-сон; Лондон, 2003) ва «Тухфайи Тоиб» (Тошкент-Токио, 2002), Мухаммад Азиз Маргилонийнинг «Тарихи Азизий» (Тошкент, 1999) номли асарлар чоп килинган.

Қўкон тарихчилари асарларининг турли тил ва жанрда яратилишига хонликнинг

куйидаги тарихий-сиёсий жараёнлари туртки бўлган.

Кўкон хонлигига асос солган минг кабиласининг бопшиги Шохрухбий ибн Ашур Мухаммадир. У тахминан 1669-1670 йиллари таваллуд топган. Минг уруги XVIII асрнинг бошларида сиёсий ҳукуматни хўжагон сулоласининг кўлидан куч билан тортиб олган эди. Хўжалар ёки хўжагон сулоласи - рухонийнасаб Шаркий Туркистоннинг ҳокимлари бўлган. Сулоланинг асосчиси Махдуми Аъзамхўжа Ахмад ибн Саййид Жалолиддин бўлиб, у «Хўжагон» тарикатига мансуб. У хижрий 956 йили таваллуд топиб, милодий 1542 йили вафот этган. Бу хўжалар Шаркий ва Гарбий Туркистонда ҳукм сурган чигатой ҳокимлари даврида катта мансаб ва вазифаларга эга бўлиб, иктисодий-сиёсий кучларга соҳиб бўладилар. Сулоланинг буюк намоёндалари бўлмиш Оффокхўжа Кошгарийдан (XVII а.) Шаркий Туркистон ҳамда Фарғонада фаолият кўрсатган хўжалар келиб чиққан. Оффокхўжа ўғиллари Хонхўжа (Хўжа Яхё ибн хўжа Хидоятulloх ибн хўжа Мухаммадйусуф ибн Хўжа Мухаммадамин ибн Махдуми Аъзам Дахбедий ва Кунхўжа (Хўжа Бурхониддин) Шаркий Туркистондагина эмас, Ўрта Осиёда ҳам катта обрўга эга бўлган.

Бу хўжалар - Окхўжалар ва Корахўжаларга бўлинган. Корахўжалардан бўлмиш Оффокхўжа Цин ҳукумати тан олган. Махдуми Аъзамнинг ўғли Мухаммадамин Окхўжаларга мансуб бўлиб, Цин ҳукумати тан олмаган. Унинг авлодлари Хитой Шаркий Туркистонига бостириб кирганда Гарбий Туркистон, яъни Кўкон хонлигига кириб қолади.

Маълумки, хўжагон жамоаси Махдуми Аъзам - Ахмад ибн Жалолиддин хўжагон Косоний авлодларидан бўлиб, уларнинг ҳукмронлиги XVII асрда Шаркий Туркистонга ҳам тарқалган эди. Шохрухбий ҳам хўжалар билан иттифок тузиб, ҳукмронлигининг мустаҳкамлаш учун Чодак хўжаларидан бирининг кизи-га уйланади. 1709 йили уруг зодагонлари ҳамда хўжалари розилиги билан Шохрухбий хонлик тахтига кўтарилади. Унинг касри Эски кўргондан Кўконга кўчирилади. Шохрухбий даврида Ўш, Ўзган, Хўжанд хали мустакил бўлиб, Кўкон давлатининг шимолий чегараси Наманганнинг Шохидонигача чўзилади. Шохрухбий ўлиmidан сўнг унинг ўрнига уч ўғлидан бири бўлмиш Абдурахимбий хижрий 1132 (милодий 1721) йили шаввол ойида (июль) тахтга ўтиради. Низомиддин Мухаммад Абдурахимбий хижрий 1110 (милодий 1690) йили оламга келган эди. Отаси даврида у Наманганда ҳоким бўлиб, унга Мухаммад Баходур номли киши оталик бўлган. 1725 йили у Хўжандни Ок Бўтабий юз кўлидан олиб, бир йиддан сўнг Ўратепани забт этиб, Кўкон давлатига кўшади.

1729-1730 (баъзи манбаларда хижрий 1145, милодий 1732) йилда Абдурахимбий Самаркандга юриш қилиб, шаҳарни камалга олади. Лекин шаҳар аъёнлари ва оксоқоллари бир неча кун ўтмай, шаҳар дарвозаларини очиб беради. Бу вақтда Туркистоннинг кўп жойларида қабила ва уруглар ўзаро уруш ва жанглар билан машғул эди. Шу боис Абдурахимбий қабила ва уруг раҳбарлари билан иттифок тузиб, давлат чегараларини кенгайтиради. Шахрисабз волиysi Иброҳим оталик кенагас билан эса қариндош бўлиб, унинг кизига уйланади. Мингларнинг кенагас уруги билан тузган бу иттифоқи XIX асрнинг 60-йилларигача давом этади. Аммо орада олти ой ўтмай, Бухоро хони Абулфайзхон Самаркандни ўз тасарруфига қайта қиритади. Абдурахимхон бундан хабардор бўлгач, Кўкондан Хўжандга келганида ўлдирилади ва ўрнига Абдулқаримбий ибн Шохрухбий (1734-1750) хон бўлди.

Мухаммад Абдулқаримбий хижрий 1115, милодий 1703 йилда таваллуд топган. У хон бўлишидан олдин валиахд сифатида Наманганда ҳоким эди. Абдулқаримбий асосий

эътиборини давлатни мудофаа килиш ишларига каратади. Унинг замонида Кўкон шахри атрофи кўргон билан ўралади, Исфара, Катагон, Маргилон, Хайдарбек дарвозалари курилади. 1741-1745 йилларда Фаргона жунгорлар хужумига дуч келади.

Абдулкаримбий кипчок-киргизлар ҳамда Ўратепа ҳокими Фозилбий юз ёрдамида улар билан урушлар олиб боради. Шу вақтда Абдул-каримбий ҳам Тўракўргон ва Самаркандга Абулфайзхон илтимосига биноан юришлар қилади. 1745 йили Миёнколда хитой-кипчоклар Ибодуллохбий раҳбарлигида бош кўтаради. XIX асрнинг бошларида Хитой ҳукумати тазйиқи остида Шаркий Туркистондан Фаргона водийсига калмоқлар, уйгурлар, киргизлар, қорақалпоқ ва козок-кипчоклар кўчиб келишади. Фаргона водийси XVIII асрнинг ўртасида кўплаб халқ ва жамоалар учун ватан бўлади.

Водийда ҳўжалик ва маданий ҳаёт ривожлана бошлади. 1749 йили Абдулкаримбий калмоқ (жунгорлар) билан сулҳ тузади. Сулҳ шартларига кўра, калмоқлар ватанига қайтганига қадар козок даштларида яшаб туриш ҳуқуқига эга бўлади. Кўкон хонлиги даврида эса уларга ўтроқ халқ билан савдо-сотик қилишга ижозат берилади. Калмоқлар Кўкон ҳудудига бостириб кирмасликни зиммаларига олади. Яна иттифок тулик ишонарли бўлиши учун жунгор-калмоқлар ўз томонидан бир шахзодани Хўкандга жўнатади ва Хўканддан Бобобек ибн Абдулкаримбий кўчманчилар қароргоҳига юборилади.

1750 йили Абдулкаримбий вафот этади ва ўрнига унинг ўғли Абдурахмон тахтга кўтарилади. Аммо тўққиз ойдан кейин Маргилонга ҳоким этилиб, хонликка Абдурахимбийнинг иккинчи ўғли Эрдонабий (Абд ул-Каюмхон) ўтказилади. Лекин бир йил ўтмай Бобобек Ўратепа юриши вақтида Бешарикда қатл этилади ва Эрдонабий қайта Кўкон тахтига ўтиради. Эрдонабий хонлиги даврида музоқаралар олиб бориб, Хитойнинг Кўкон хонлигига ва Кўкон хонлигининг Шаркий Туркистон -Кошғар ишларига дахл қилмаслиги ҳақида шартнома тузилади ва анча муддат тинчлик ўрнатилади. Эрдонабий даврида (1750-1762) Фаргона тўрт вилоятга бўлинар эди. Булар: Андижон вилояти, Наманган вилояти, Чуст ва Кўкон мулки. Кўкон дор ус-салтанат, яъни давлатнинг пойтахти эди. Эрдонабий Исфара ва Хўжандни мулкларига қайта қўшиб олиб, 1754 йили Ўратепага юриш қилади, лекин шу юришда мағлуб бўлади. Эрдонабий 1762 йили вафот қилади. Уруғларнинг бий ва оксоқоллари ўзаро маслаҳатлашиб, Сулаймонхон ибн Шодибий ибн Шохрухни тахтга кўтариш ҳусусида қарор қабул қилишади. Аммо бир неча ойдан сўнг у тахтдан туширилади ва хонлик тахтига Абдулҳамидхон ибн Абдурахимхон «Норботир» - Норбўтабий (таваллуди хижрий 1163 йили, муҳаррам ойининг учинчи куни, милодий 1749 йил 13 декабр, вафоти хижрий 1213, милодий 1798 йили) ўтиради. Норбўтабий ва Олимхон даврида (1798-1810 милодий йиллар) Кўкон хонлигининг бирлашиш жараёни охирига етади. Олимхон даврида Тошкент ва Чимкент хонлик ҳудудига қўшилади.

Унинг даврида хонликнинг ҳўжалик ва маданий ҳаёти ривожлана бошлади ва Кўкон Фаргонанинг маданий ва иқтисодий марказига айланади. XIX аср бошларида Кўкон хонлиги қўшни давлатлар билан алоқалар ўрнатиб, уларга ўз элчиларини ҳам юборади. Кўконнинг Хива, Шаркий Туркистон, Бухорога юборган элчилари ҳақида маълумотлар бор.

1805 йили етти йиллик ҳаракатлардан сўнг Олимхон Хўжандни, 1806 йили эса Ўратепани забт қишди, итоатига киргизади. Лекин кўп ўтмай Ўратепа мустақилликни қўлга киритиб, Маҳмудхўжа ҳоким бўлади. Олимхон Бухоро қўшинидан мағлуб бўлиб, сиёсатини ўзгартиради. Энди у Тошкентга юриш қилишга қарор қилиб, 1809 йили бу

вилоятни ишгол этади. Бу ерда туриб Олимхон кишнинг ўрталарида кўшинини Сайрам ва Чимкентга, чекинган тошкентликлар кўшинига қарши юборади. Об-хавонинг кийинчиликлари, кишнинг совук келгани ҳамда Олимхон қаҳру-ғазабидан тўйган кўшин бошликлари ва хон душманлари унинг укаси Умархон тарафига ўтади. Умархон ҳам бу кишиларни қўллаб туриб, эътироз билдирмайди. Умархон кўзғолон кўтарган кўшни билан Кўконга қайтади ва хонлик тахтига кўтарилади. Олимхон Тошкентда қолган яқинлари билан Кўконга қайтаётганда Умархон ва Тошкент зодагонлари одамлари томонидан Сарой деган мавзеда отиб ўлдирилади.

Олимхон ўлиmidан сўнг (хижрий 1225, муҳаррамнинг биринчи куни, милодий 1810 йили олтинчи февраль) Кўкон тахтита Умархон ибн Муҳаммад Абдулҳамид (Норбўтахон) Баҳодир ўтиради. Умархон даврида эса зодагонлар қайта ҳокимият устига келиб, рухонийлар ҳам давлат ва сиёсат ишларига аралашадиган бўлади.

Бу даврда Самарқандга Юсуф мингбоши раҳбарлигидаги кўшин юборилиб, бу вилоятнинг чегаралари талон-тарож этилади. 1816 йили эса Ражаб кўшбеги бошчилигидаги кўшни Туркистонни забт этиб, у хонлик ҳудудига киритилади. Шу юришдан сўнг Умархон рухонийлар розилиги билан «амир ал-муслимин» унвонини олиб, ҳам диний, ҳам дунёвий ҳокимиятга эга бўлади. Умархон даврида Кўкон хонлигининг давлат тузуми, давлат ишларини юргизиш қонун-қоидалари, диний ишлар тартибга келтирилиб, мамлакат чегаралари аниқлаб олинади. Энди Кўкон давлатининг чегараси шимолда Туркистон ва Дашти Кипчоққа, ғарбда Самарқандга, Жанубда Кўхистон ҳамда Кўлоб, Хисор ва Шахрисабзга, Шарқда эса Шарқий Туркистонга етарди. Умархон 1822 йили 30 декабрда вафот этгач, унинг вориси Муҳаммадалихон даврида (1822-1842) Кўкон ҳукуматини Кўлоб, Хисор, Бадахшон, Дарвоз, Масчоҳ тан олади. Муҳаммадалихон даврида қирғизларнинг баъзи туманлари Кўконга қўшиб олинади. Сирдарё бўйларида Александр тоғлари ёнларига Кўкон истехкомлари қурилди, уларнинг атрофида зироатчилар ва савдогарлар келиб яшарди. «XVIII аср воқеаларидан (жунгарлар истилоси давридан) сўнг қишлоқ ва қисман шаҳар ҳаёти қайта тиклана бошлади», деб ёзган эди В. В. Бартольд. Бу жойларда Бишкек ва Тўқмоқ қалъаси (1825 й), Қуртқа (1823 й) ва бошқа истехкомлар қурилди. Аммо Ўратепа вилояти Кўкон ва Бухоро учун жанг ва урушларнинг майдони бўлиб қолди. Бу урушлардан факат халқ азоб чекарди, ҳолос.

Умархон давридан бошлаб Кўкон Ўрта Осиё минтақасида сиёсий жараёнлар ва халқаро муносабатларда фаол аралаша бошлади.

Муҳаммадалихон 1822 йили Маъсумхон Тўра, шайх ул-ислом Домулло Зоқирхўжа эшон ва тоғалари Қосим бекларбеги томонидан хонлик тахтига кўтарилади. XIX асрнинг 20-йилларида Кўкон давлати хўжаларнинг ҳаракатлари сабабли Шарқий Туркистон ишларига аралаша бошлайди. 1824 йили Жаҳонгирхўжа Маҳдуми Аъзамий Кўкондан қочади ва Қошғарга бориб, Шарқий Туркистон халқларининг Хитой ҳукуматига қарши кўтарган кўзғолонларига бошчилик қилмоқчи бўлади. Бу сиёсатга Ҳаққули мингбоши ибн Ирисқулибек бошчилик қилиб, Шарқий Туркистондаги Окхўжалар ҳукумати, яъни Жаҳонгирхўжа Маҳдуми Аъзамнинг ҳукуматини қайта тикламоқчи бўлади.

Жаҳонгирхўжа Маҳдуми Аъзамнинг қатта ўғли Муҳаммад Амин авлодларидан бўлиб, Хитой давлати Кўкон билан тузган шартномага кўра, уларни Кўкон давлатида сақлаш шарт эди. Қорахўжалар, яъни Оффокхўжа Маҳдуми Аъзам Хитой ҳукуматини тан олиб, Шарқий Туркистонда ўз ҳукуматини сақлаганди. 1832 йили Пекин Кўкон билан сулҳ тузиб, Кўконга баъзи енгилликлар берди. Масалан, Кўкон хони ўз оксоқоллари орқали

Кошгардаги раъийатдан солик олиш ҳуқукига эга бўлади.

1833-34 йиллари Коратегин босиб олинди. Юкорида таъкидлаганимиздек, Кўкон ҳукумати Кўлоб, Хисор, Бадахшон шохлари ҳам тан олди. Киргизлар яшайдиган ерлар ҳам хонлик ҳудудига кўшиб олинди. Лекин Мухаммадалихон ҳукмронлиги даврининг охириги йилларида Кўкон давлатининг ички ахволи огир эди. Кўкон ҳудудига кўшилган киргиз ва кипчок бошликлари бир томондан, ўтрок аъён ва зодагонлар кучлари, раҳбарлари иккинчи томондан ўзаро қаршилик ва душманликни бошлай берди. Тошкент ашрофлари, мухожирликда бўлган турли гуруҳлар намоёндалари (Мухаммад Ҳакимхон бошчилигида) марказий ҳукуматни кўлга олиш учун курашни кучайтирди. Сарой ва хон атрофидаги мансабдор шахслар ҳам баъзан игволарга кўл урарди. Бухоро амири Насруллох (1826-1860) ҳам қарама-қаршиликлардан фойдаланиб, бу бой ўлкани эгалламокчи эди.

Натижада, 1842 йили май ойида Бухоро амири Насруллох Кўкон шахрини эгаллайди. Бу юриш ҳар хил гуруҳларнинг ички сиёсий қаршиликлари натижаси эди. «Шу гуруҳларданг бири -Тошкент аъёнлари ва Шахрисабздаги кўконлик мухожирлар бирлашгач, ўз душманларини йўқ қилиш учун ҳамма воситалардан фойдаланиб, мақсадларига эришолмай, Бухоро амири Насруллохдан мадад сўрашди», деб ёзилган манбаларда. Бу юриш ташкилотчиларидан бири мухожирликда бўлган Кўкон хонлари авлодига мансуб Ҳакимхон тўра ибн Маъсумхон шайх улислом эди. Амир Насруллох кўшини Фаргона водийсини талон-тарож этиб, Кўконни ҳам горат қилади. Кўкон хони Мухаммадалихон ҳамда унинг яқинлари, укаси Султон Мухаммад, онаси шоира Мохларойим (Нодира), ўгли хонзода Мухаммадаминхон ҳам ўлдирилади. Бу воқеадан олдин Бухоро амири Хўжа Каландар мисгар кўзғолонини ҳам бостиради. Кўзғолон Бухоро истилосига қарши кўтарилган бўлса ҳам, унинг натижасидан хон душманлари фойдаланди.

Бухоро амири Кўконда 13 кун туриб, хонликдаги кўплаб хунароманд қосиблар, усталарни мажбуран Бухорога олиб кетади. Кўплаб хотин-қизлар ҳам ўз ватанларидан кетиб, гурбат ва қарибликка дуч келади. Амир Насруллох Иброҳим парвоначи мангитни Кўконда ҳоким этиб, ўзи Бухорога қайтади. Иброҳим парвоначи «Ҳаёл» икки ой ҳукмронлиги даврида янги-янги солиқлар солиб, Фаргона халқига ниҳоятда жабр-ситам етказди. 70 кундан сўнг Кўкон халқи кипчок ва киргиз жамоалари қучлари билан мангитларни Кўкондан ҳайдаб, тахтга Шералихонни кўтарадилар. Янги хон муваффақиятига Хива хонининг Бухоро амирлигига қилган ҳужуми ҳам мадад бўлади. Кўп вақт ўтмай, Кўкон хонлиги олдинги чегараларини тиклаб олади. Кўкондан Тошкент, Хўжанд ва жанубий Қозғистонгача бўлган мулкларга волийлар қайта тайинлана бошлади. Шералихонни тахтга кўтарган кипчок-киргиз жамоаси раҳбарлик мансабларини кўлга олади. 1842 йили қузда Талас киргизларининг бошлиғи Мухаммадйусуф Шералихонга ёрдам бериб, уни хонлик тахтига кўтариб, ўзи мингбоши бўлиб олади. Мангитлар лашқарини Кўкон мулкидан ҳайдашда иштирок этган кипчокларга олий мансаблар теғмайди.

Мухаммад-йусуф ҳам уларга қарши ҳатти-ҳаракатларни бошлайди. Бу хабарни эшитиб, кипчоклар Андижон ва Шахрихонга бориб қўшин йигади. Олдиларига музоқара учун Юсуф мингбоши ва Шералихоннинг ўгли Саримсоқбек юборилади. Кипчоклар талаби билан Мухаммад-Юсуф мингбошилик мансабидан олинадиган ва ўрнига Қали Шоди деган киши вазир бўлади. Мухаммадйусуф Марғилонга ҳоким этиб юборилади. Қаримқули додхон Андижонда ҳоким бўлгач, Мусулмонкул унга ботурбоши этиб тайинланади. Шу билан «Мусулмонкул давлат отига миниб, ўнг кўлига қудрат қиличини олиб, белига душманга қирон келтирадиган шамширини осади». Мусулмонкул асли кипчокларнинг

кулон уругидан бўлган экан. У Маргилон кўшинига сардор эди ва 1843 йили кўзголон кўтариб, Муҳаммадйосуфни Чуст яқинида мағлуб этади. Мусулмонкулнинг норозилигига кипчокларга қарши уюштирилган суикасд сабаб бўлган эди. Юсуф мингбоши қабиладошлари билан Шоди додхоҳни, Шоди додхоҳ эса Юсуф ва Мусулмонкулни давлат ишларидан четлаштирмоқчи бўлади. Мусулмонкулни кипчоклар ҳамда қора-қалпоқ ва қалмоқлар қўллади. У Наманганни олғач, Шоди додхоҳни ҳам мағлуб этиб ўлдиради. Кипчоклар Қўконни босиб олади, натижада Ўтамбий Маргилонда, Қўри Сидик Андижонда, Мирзот Наманганда, Шер Кировучида, Нормухаммад Тошкентда, Норбахши Хўжандда ҳоким бўлиб олади. Қаримқули дастурхончи ва Қулбобо (Хотамқули кипчок) рисолачи бўлишади. 1844 йили қирғизлар ҳам қуч йигиб, Моду ва Ўш атрофида бош кўтаради. Улар Алимбек, Сайид додхоҳ ва Пўлод додхоҳ бошчилигида Мусулмоқулга қарши жангга чиқади. Мусулмонкул Қўкон лашқари билан Ўшга келади. Аммо унинг йўқлигидан фойдаланган маҳаллий аъён-ашроф-лар Олимхоннинг ўғли Муродхонни тахтга кўтариб, Шералихонни ўлдиради. Бу хабарни эшитган Мусулмонкул Ўшдан тезлик билан пойтахтга келиб, 11 кун ҳокимлик қилган Муродхонни қатл қилади ва Шералихоннинг ўғли Худоёрхонни хон деб эълон қилади. Ёш хонга ўз кизини бериб, унга қайнота бўлғач, оталиқ унвонини ҳам олади. Ҳукумат кипчок бийлари қўлига ўтади. Шералихон қатта ўғли Саримсоқбек (Абдурахмонбек)ни Тошкент мулкида Худоёрхонни Андижонга ҳоким этган эди. Шералихонни тахтдан олиб, ўлдирилишига фаол қўл урган руҳонийлар - Зоқирхўжа шайх ул-ислом, домла Холмуҳаммад раис, домла Хўжамқули аълам, Сулаймонхўжа, шаҳар ва заминдор ашрофларидан Раҳматилла додхоҳ, Сотиболди додхоҳ, Охун додхоҳ, Муҳаммадқарим халифа, Мулла халифа ва бошқаларни Мусулмонкул ўлдирди.

Ёш Худоёрхон қайнотаси Мусулмонкул ва кипчоклар таъсирида қолиб, давлат бошқарувидан бутунлай четлатилган эди. «Шундай замон бўлдики, - деб ёзади замондош муаррих Иваз Муҳаммад, - ҳар қим ўзича ҳукм сурарди. Хон унвони маъносиз бўлди. Мусулмонкул ва кипчокнинг бошқа ашрофлари ўлқани ўзаро бўлиб олдилар». Мусулмонқули мингбошилиқ лавозимига эга бўлади. Кипчоклар ўз авлодлари билан гуруҳ-гуруҳ бўлиб Қўконга қириб яшай бошлади. Шаҳардаги аҳолини ҳайдаб чиқариб, ер, мол-мулкларига эга бўлишди. Манбаларда хабар берилишича, Мусулмонкул ҳатто эски Ўрда ерини ҳам ўз қабиладошларига бўлиб берган. Қўкон атрофидаги ҳокимиятни қўлга қиритғач, Мусулмонкул Хўжандни Турдибой кипчокка беради, Тошкентни ҳам ўз тасарруфига ўтказиш учун Абдурахимбек (Саримсоқхон)ни алдаб, Қўконга олиб келади ва Балиқчиға ҳоким этиб қўяди. Олдиға Худойберди додхоҳни ботурбоши этиб тайинлайди, аммо тез орада уни ўлдиради. Мусулмонкул Тошкент ҳокимлигини аввал Мулла Холбекка, уч ойдан сўнг эса Азиз парвоначиға тақдим этади. Кировучи эса Нормухаммад кипчокка берилади. Мулла Холбек ҳокимиятдан маъзул бўлиб, Қўконга қайтади. Шундай қилиб, кипчоклар ўртасига низо тушади. Туркистон ҳокими Қаяоатшоҳ эса янги хонни тан олмайди ва Азиз парвоначиға эътироз билдиради. Азиз парвоначи Қаноатшоҳга қарши чиқиб Туркистонни

етта ой давомида камалга олди ва шаҳарни сувга бостириб қўлга олади. Каноатшоҳ Бухоро амирлигига чикиб кетиш шарт билан омон кодцирилади. 1846 йили Мусулмонкул бошқа кипчок зодагонларининг маслаҳати билан Ўратепага юриш бош-лайди. Шаҳарни камал этиб, унинг атрофини талон-тарож қилади. Кайтишда хон ва Мусулмонкул ораларида адоват пайдо бўлади. Хон Мулла Холбек қўшбегини мингбоши этиб. Мусулмонкулни Кураманинг Обликига сургун қилди.

Тошкентга кайтгач, Азиз парвоначи Мусулмонкулнинг минг-бошилиқдан тушганини эшитиб, бунга карши чиқади. Мусулмонкулнинг ўрнига Мулла Холбек мингбоши бўлган эди. Энди кипчоклар ҳокимияти учун ўзаро урушлар бошланади. Бироз ўтмай Обликка сургун қилинган Мусулмонкул Азиз парвона-чи ёрдамида иккинчи марта (1847 й) мингбошилиқ мансабига қўтарилади. Мулла Холбек кипчок (гулом) Мусулмонкулнинг ўрнига вазир бўлганида кипчок ашрофларининг талабларини кондиролмади. Кипчоклар кенгаши унинг вазирлигига карши чикди. Бу низолардан фойдаланиб, Норбўтахоннинг невараси Пошшоҳўжа кўзголон қўтариб, хон бўлмокчи бўлди. Бундан хабар топган кипчоклар Урганжий деган жойда унинг тарафдорлари Мухаммад Диёр кўрбоши Офтобачи билан тўкнашиб қолади. Суикасдчилар тарафдорлари мағлуб бўлиб, баъзилари Тошкентга қочади, қолганлари кипчоклар қўлига тушиб ўлдирилади. Азиз парвоначи ҳам ўз хомийси Мусулмонкулнинг вазирлиқдан тушганини эшитиб, Қўқонга қаршилиқ кўрсатади. Шунда кипчоклар Тошкентга юриш қилади. Аммо шаҳарни ололмай, юриш қийинчиликларидан қайтишга мажбур бўлади. Қайтишда Тилав қишлоғида (Курама яқинларида) кенгаш қилиб, Мусулмонкулни қайта мингбошилиқ лавозимига қўтариш учун тил бириктиради. Ок ота қишлоғида Мусулмонкул Худойёрхон билан учрашиб, қайта, учинчи марта (1848 й.) мингбоши этиб тайинланади. Бундай натижалардан норози бўлган кипчокларнинг бошқа гуруҳи Мулла Каримкул дастурхончи, Хотамқушг рисолачи, Мухаммадназар Қўрўғли, унинг ўғли Холмухаммад додхон, Кировчи вориси Нормухаммад додхон ўз қўшини билан Азиз парвоначига қарши уруш қилиб Тошкентни олишади. Нормухаммад қўшбеги Тошкентга ҳоким бўлади. Шаҳар қарийб уч йиллик Азиз парвоначи зулмидан озод бўлади. Уларнинг 1847 йили қўтарган кўзголонларидан кипчокларниш шу гуруҳи фойдаланган эди. Кўзголон тафсилотининг шохиди бўлган, ўша қўнлари Тошкентнинг Жанггоҳ маҳалласида яшаган Иваз Мухаммад Атор Хўқандий шундай ёзиб қолдирган:

«Азиз парвоначи кипчоклар қамалидан озод бўлиб, ҳазинаси бўшаб қолганини билгач, ўз яқинлари маслаҳати билан вилоят аҳолисига «музофот пули» деган солиқ қолади. Тошкентнинг ҳар қўча ва маҳаллаларига солиқ пули белгиланади. Бу хабар Азиз парвоначи зулмидан азоб чекаётган шаҳарликларга етиб қоради ва улар Мухаммадйусуфбой парчабоф бошчилиғида кўзголон қўтардилар. Шаҳар ашрофларидан бир неча қиши Кировчи ҳокими Нормухаммад қўшбеги кипчок олдига юборилди. Азиз парвоначи кўзголончиларга қарши тўп ва қуроллар билан чиқади. Кўзголончилар Жангтоҳ, Парчабоф ва Мисгар маҳаллаларида йигилиб турарди. Жангда Азиз парвоначининг ботурбоҳиси Раҳимбек ибн Қозок қараланади. Бешёғоч маҳалласидан ҳам мингга яқин қишлар топган нарсалари билан қуролланиб, Парчабоф маҳалласига қелди. Азиз парвоначи ўз Ўрдасида қаноҳ топади. Шу қайт Шодмонхўжа парвоначи Қурамадан Нормухаммад қўшбеги билан етиб қелади. У Тошкентнинг ўн икки дарвозасини ёпиб, халқ ёрдамида Ўрдани қамал қилди. Нормухаммад қўшбеги ҳам етиб қелди ва Бешёғоч дарвозаси олдидан қўнди. Азиз парвоначи лашқарининг қарбозлари қамалнинг икки ҳафтасидан кейин уни ташлаб қета бошлади. Шу ҳолатда Азиз

парвоначи таслим бўлганидан сўнг, уни оила аъзолари билан Кўконга жўнатишди. Кейинчалик уни Ўтаббий олдиға, яъни Маргилонға юборишди. Икки-уч ойдан сўнг уни каршилиқда айблаб, Кўконға олиб келиб катл этилди ва катта кабристонға дафн килинди. Нормухаммад кўшбеги Тошкентға ҳоким бўлди».

1848-1849 йилларда киргизлар ҳам бу ўзаро урушларға кўшилди ва кипчоклар билан Баликчи атрофида жанг килиб, мағлуб бўлди. Киргизлар билан бўлган тўқнашув кипчокларни бирлаштирмади. Мусулмонкулға карши бўлган кипчоклар ўз бошлиқлари Мулло Холбек, Мухаммад Ёр додхох, Жумабой додхох, Раҳимкули додхохлар билан Кўкон-Андижон воҳасиға кетдилар. Тўрт ойлардан сўнг Кўконға карши қилган юришлари натижасиз тугади. Уларнинг бошлиқлари эса Мусулмонкул томонидан катл этилди. Тошкент мулки Нормухаммад кўшбеги ҳокимлиғи даврида ҳам, Мусулмонкул мингбоши бўлган замонда ҳам мустақиллиғини сақлади. Мусулмонкул ва кипчоклар ҳокимиятидан норози бўлган хонлиқнинг кўп табақа ва халқлари тошкентликлар билан тил бириктириб, мингбошиға карши чиқди. Мусулмонкул Тошкентға келиб, уни камал қилди. Шаҳарни ололмай Хўжандға келгач, уни Бухоро амири кўшинидан химоя килиб, амир Насруллоҳни қайтишға мажбур этди. У Бухоро кўшини ўртасида варақалар тарқатиб, уларни кўрқитди. Жигдалиқ кишлоғида ҳарбий машварат ўтқазиб, амир Насруллоҳға махсус мактуб юборди. Унга кипчоклар томонидан мағлуб бўлиш, оқибатларини тушунтириб, «бир кўчманчи халқ» устидан ғалаба қозониш-нинг ўзи шармандалиқ эканини айтади. Мусулмонкулнинг дипломатик санъати катта тўқнашувнинг оддини олди, амир Насруллоҳ Бухороға қайтди.

Мусулмонкул Бухоро кўшинларини қувиб Ўратепа мулки-ни талон-тарож эта бошлади. Аммо уни бу дафъа ҳам ололмади. Факат тўртинчи юришида, узок ва каттик жанглардан сўнг Ўратепа забт этилди. Ок-ўйлувда бўлган Исобек юз қайта Ўра-тепаға ҳоким бўлди. Тез орада Исобек Кўкон тасарруфидан чиқиб, Мусулмонкулға карши боради. Икки марта кўшин тортганидан сўнг Ўратепа таслим бўлади. Манбаларға қараганда, хон ҳар йили беш марта Ўратепаға карши юриш ташқил қилар экан. Хатто болалар Кўконда «Ўратепаға юриш» номли ўйинни ўйлаб топган экан.

1848 йили Ўратепа Кўконға тобе бўлди ва Исобек ўрниға унинг амакиваччаси Али Шақурбек ҳоким этиб тайинланди. Шу воқеадан сўнг кипчоклар орасида яна ўзаро низо пайдо бўлди. Мусулмонкул иккинчи марта мансабидан туширилиб, ўрниға Мухаммад Диёр кипчок вазир бўлади. Кипчокларнинг ўзаро олишувидан фойдаланган Али Шақур Кўкон тобелигидан чиқмокчи бўлиб кўзғолон кўтарди. Худоёрхон Фаргона аҳолисидан кўшин йигиб Ўратепаға карши борди. 1848 йили ақраб ойида Муг қалъаси ҳужум билан олинди. Али Шақурбек асир олиниб, Исобек юз қўли билан ўлдирилди. Шу урушда асир тушган 900 ўратепалиқлар катл этилиб, бошларидан қалла минора қурилган экан. Ўратепа ҳокимлиғи Гофурбек ибн Мухаммад Раҳимбек атолиққа берилди. Шу вақтда Мусулмонкул вазирлик мансабини қайта қўлга қиритиш учун Кўконға юриш қилмокчи бўлади. Мухаммаддиёр кўшбеги ҳам ўз одамларини йигиб унга карши урушға чиқди. Аммо кипчок улуси атрофларидан Қаримкули дастурхончи, Қулбобо рисолачи ва бошқалар ўртаға тушиб, Мусулмонкулни Андижонға, Раҳмонкули додхоҳни Чустға ҳоким килиб қайтаради.

Мухаммаддиёр мингбошиға карши уюштирилган суиқасдда халифа Эшон Сафо айбланиб, у 1849 йили катл этилади. Мусулмонкул яна ўз қабиладошлари ва сафдошлари билан Кўконға ҳужум килиб Ўрдани босиб олади. Мухаммаддиёр Ёрмозордан Мулла Холбек ва Чустдан Раҳмонча додхоҳни ёрдамға қақиради. Аммо Мусулмонкул учинчи

марта мингбошилиқ мансабига ўтириб, уларни вазифаларидан четлаштиради. Кейинроқ Муҳаммаддиёр, мулла Холбек, Раҳмонча додхон, Жумабойлар Дуоб деган мавзегга сургун қилинади. 1844 йили қузида эса Муслмонкул Қўқонда Нормухаммад қўшбегининг тўйида юқорида тилга олинган қабила пешволарини тутиб ўлдиради. Мулла Чўлибек ва Эшбийлар эса Туркистонга сургун қилинади. Энди кипчокларнинг қўп бошлиқлари Муслмонкулнинг вазирлигидан норози бўлиб, уни мансабдан туширмоқчи бўлишади. Муслмонкул ҳам ўзига қаршилиқ қўрсатган қабила ашрофларига қаттиқ қарши чиқа бошлади. Унинг шундай сиёсатидан хавфсириб мулла Қаримкул дастурхончи Чодак орқали Тошкентга келади. Унинг ортидан юборилган Қулбобо рисолачи ҳам қайта пойтахтга бормай, Нормухаммад олдида панох топади. Муслмонкул Нормухаммад қўшбегини ҳам қаршилиқ қўрсатишда айблаб, Тошкентга қарши юриш қилади. Аммо тошкентликлар уни қайтишга мажбур қилади. Бир неча ойлардан кейин Муслмонкул яна лашқар йигиб Тошкентга келди. Шаҳар атрофини унинг лашқарлари талон-тарож қилади. Шаҳрихон ҳокими Холмуҳаммад додхон кипчок Чимкентга юборилган бўлса ҳам, қайтиб тошкентликларга қўшилади. Бундан олдинроқ Тошкентликлар ташаббуси билан хон Худоёр ҳам мингбошига қарши чиқмоқчи бўлади. Тошкентдан хон олдида яширинча мулла Қаримкул ва Қулбобо рисолачи юборилган эди. Учинчи юришда Муслмонкул билан Худоёрхон ҳам Тошкентга келади. Муслмонкул қўшинидан бўлган баъзи бошлиқлар ҳам Нормухаммад қўшбегига хабар бериб, хон билан биргаликда уларга қўшилишларини билдиришади. Шаҳар яқинида содир бўлган жангда Наманган ҳокими ҳам тошкентликларга қўшилади. Эртаси қуни бўлган жангда Муслмонкул мағлуб бўлди. Унинг лашқарбошилари Худоёрхонни олиб, Тошкентга қирадилар. Муслмонкул Чодак тоғлари орқали қочиб, Учқўргоннинг Кетмонтепа қишлоғига боради. Тошкент лашқарбошилари ва ашрофлари Муҳаммадниёз қўшбегини, Муҳаммадқосим парвоначи - мингбоши, Муҳаммад-Ражаб қўрбоши, Мадёқуб қўшбегини, Муҳаммадйусуф мирзабоши кипчоклар (аслида Муслмонкул тарафдорлари)ни йўқ қилиш мақсадида Нормухаммад қўшбегини мингбошининг розилигини оладилар. Олий хон ҳукуматини Худоёрхонга беришни маслаҳат қилиб, қўшин йигишади ва Қўқонга қелишади. Чорбоғи тўра номли боғга тушиб, Худоёрхон билан ҳам тил бириктириб, Қўқон оксоқолларининг розилигини олишади. Қўқон шах-ри ва унинг атрофларидаги жойларда кипчоклар қирғини - қатли оми бошланади. Кипчоклардан Ўтаббий ва Нормухаммад қўшбегилар тирик қоладилар. Биринчисини хон, иккинчисини Тошкент ашрофлари химоя қиладилар. Энди Худоёрхон амалда (1852 й) ўз ҳокимиятида мустақил бўлди. Ўтаббий қўшбегини мин-гбошилиқ лавозимига қўтарилди. Худоёрхон қолган қўшини билан Тошкентга қиради ва унинг мустақил хонлиқ даври бошланади. Шу орада хон йўқлигидан Абдуллобек ибн Пошаҳўжа фойдаланиб, Қўқонда ҳукуматни қўлга олади. Аммо Тошкентдан Мирзод қўшбегини ва мулло Қаримқули дастурхончиетиб бориб, Абдуллобекни ўлдиради. Мирзод қўшбегини ўзини хон деб эълон қилади. Унга қарши Худоёрхон Тошкент лашқари билан етиб келади ва қатл этади. Қирғиз-кипчок қўшини ҳам Билқалама деган мавзегга ҳам бўлишади. Ивазмухаммад Хўқандий маълумотиға қараганда, Худоёрхон Тошкент, Наманган, Андижон ва Марғилонга одам юбориб кип-чоклар қирғини ҳақида фармон берган экан⁸⁰. У Тошкентга мах-сус қўшин юбориб, Муҳаммадниёз понсад, Қосим понсад, Ниё-зали понсадлар билан тил бириктириб битим тузади. Улар ҳокимлари Нормухаммад қўшбегини олдиға қелиб, Қўқонга бориб Худоёрхонни табриқлаб қелишни маслаҳат беришади. Тошкент волииси икки понсад қўшин билан Қўқонга олиб қелинади. Хижрий 1269 йил

зу-л-хижжа ойининг 28 кун, милодий 1852 йил 14 ноябрда тошкентликлар Кўконга кириб келадилар. Кипчокларнинг бошликлари Ўтабий ва Нормухаммаддан ташкари бошқа бойлар ва бопшиклар кириб ташланади. Кипчоклар жамоаси бу катли ордан хавфсираб, Билкалама мавзеига кочиб боришади. Улар мактубини олган, Мусулмонкул ҳам Иккисувга келади ва олти минглик кипчок-киргиз кўшшга бош бўлади. Хонлигининг аксарият шаҳар ва қишлоқларида яшаётган беғунох кипчоклар асирликка олинади, кўплари бола-чакалари билан кочиб кетишади. Худойрхон йигма кўшин билан кипчокларга қарши бориб, биринчи жангдаёқ мағлуб бўлади, ўзи қамалда қолади. Кипчоклар кўшинининг бир қисми Кўконга қелиб, шаҳарга бостириб қирмокчи бўлади. Шунда шаҳар қозиси Мухаммад Назар иноқ додхон ва Хониқули сарқорлар шаҳар мудофасини ташкил қилишади. Худойрхон кўшинида бўлган Сўфибек, Султон Муродбек ҳамда лашқарбоши Хўжа Мўмин, Мухаммадназар, Сайфуддинлар қочиб кетишади. «Зафарномаи Худойрхоний» бунинг сабабини шундай мазмунда изоҳлайди: хон Мусулмонкулдан озод бўлиб, тахтга ўтиргач, юқорида зикр қилинган қишлоқларга мансаб ва вазифаларни бериб, баъзиларини алоҳида мулкларга ҳоким этиб тайинлайди. Уларниш ҳар бири «ўз мулк»-ларига қочиб кетмокчи бўлишади. Фақат Маллабек - ақаси берган мадади натижасида, Худойрхон мағлубиятдан ва қамокдан озод бўлиб, кипчоклардан устун келади. Кипчоклар Наманган ва Тўрақўргонга ҳужум қилмокчи бўлсалар ҳам мағлуб бўлиб орқага қайтадилар. Иккинчи жангда ҳам хон қалаба қозонади ва кипчоклар ўзаро маслаҳатлашиб Мусулмонкулни тутиб хон-га беришади. Худойрхон уни Йўлчибек додхон ҳимоясида Кўконга юборади ва қатл эттиради. Худойрхон энг қучли бўлган кипчок ижтимоий илдизига қаттиқ зарба берди, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиб, ўтроқ аҳоли ишончини қозониш учун бу мулк қарим баҳосида сотилди. Кўкон хонлигида бирмунча осойишталик таъминланди. Аммо ўн йил давом этган ихтилоф ва урушлар дехқон аҳлига қатта зарар етказди. Шаҳар ашрофлари ва мулкдорлар сиёсий ҳокимият ва давлат бошқарувидан четлатилган эди. Худойрхон Мусулмонкул таъсиридан ва кипчоклар низоларидан озод бўлиб, муқтаил хон сифатида ҳукм сура олмади. Маҳаллий ҳокимлардан Абдулғафурбек юз Ўратепада ва уқаси Маллабек Тошкентда унга қарши қика бошлади. 1853 йили рус кўшинлари ҳам Окмасжид орқали Кўкон хонлиги ерларига бостириб қиришни давом эттирди. Худойрхон уч томонлама бўлаётган таъйиқлар остида қолди. У лашқар йигиб, Ўратепада бормок мақсадида Маҳрамга келади. Шу вақтда Маллабек томонидан Кўр Кўддош юз элчи бўлиб қелди. Аммо Худойрхон элчини ўлдириб, Хўжанддан Тошкент томон йўл олади. Хон Қировуқидан Маллабек номига дабир Мавлоно Мухаммад-Ражаб мунашийга буюриб қат ёзиб юборади ва уни қаршилиқдан тўхтатмокчи бўлади. Аммо Маллабек Кўкон ашрофлари, ҳарбий бошлиқлар ва уқаси Худойрхонга итоат этмайди. Худойрхон Тошкент уруши давомда Ўратепада қарши Қосим мингбошини юборган эди. Аммо Тошкент қамалидан олдин хон Қосим мингбошини қайта қақиради ва бирқалиқда Маллабекка қарши қикишади. Маллабек урушларда мағлуб бўлиб, 1853 йили баъзи лашқарбошилари билан Бухо-рога қетади. Худойрхон Шодмонхўжа парвонақини Тошкент қилоятига волий этиб, Кўконга қайтади. Ана шу уруш ва низолардан Россия ҳуқумати олдиндан режалаштирилган Туркистонни босиб олиш мақсадларини амалга ошириш учун ҳаракат қила бошлади. 1853 йили Окмасжид граф Перовский томонидан босиб олинади. Қалъа ҳокими Тўрақул (Абду Вали) ва қалъа ҳимоячилари ҳалок бўлишади. Манбаларнинг ҳабар беришича, қамал давомида 30 нафар кўконлик, ҳужум вақтида эса 212 қиши ҳалок бўлган,

шулардан 4 нафар аёл, 2 нафар бола 217 нафар яраланганлар билан бирга руслар томонидан асир олинган.

Бу вақтда Худоёрхон Ём ва Зомин калъаларини ўз тасарруфига киргизиб, Кўконга кайтади. У тез орада лашкар йигиб, бир неча понсод кўшинни Карим шайх понсадбоши ибн Аби Убайд бошчилигида Тошкентга юборди ва Шодмонхўжа лашкарбошчилигида Окмасжидга боришларини буюради. Шодмонхўжа 1853 йили ёзда Тошкент ва Курама лашкари ҳамда Кўкон кўшини билан русларга қарши чиқмоқчи бўлиб, Туркистонга келади. Кейинрок Окмасжид олдидаги урушда мағлуб бўлиб, қайта Туркистонга, у ердан Тошкентга кайтади. Худоёрхон Кўкон лашкарбошиларини кўрқоклик ва жангдан қочишда айб-лайди. Кўконга қайтган Шодмонхўжа, Саримсок додхох ва Мухаммад Карим шайхларга Ўрда майдонида аёллар қийми қийдириб қўйилади. Улар тақдир қилиниб, сўнг ўз қўшинларига юборилади.

Тошкент ҳокимлиги Сўфибек ибн Давронбек додхох Кўхистонга берилади. Хижрий 1269 йили (1852-53 й.) Исобек ибн Баходирбек юз Эшон халифа Олтиш тухматига учраб Ўрда дарвозаси олдида ўлдирилади.

Шундай қилиб, Окмасжид мағлубияти билан Кўкон-Россия муносабатларининг янги босқичи бошланади. Кўкон мулкларининг кейинги босқинигача анча йиллар ўтган бўлса ҳам, Рос-сия Қрим урушларидан сўнг Туркистон босқинини жадаллик билан олиб борган.

Шундай қилиб, Кўкон хонлигининг XIX аср биринчи ярми-даги сиёсий вазиятлари тахлили таджикотчиларни ноҳуш ҳулосаларга олиб келади. Хон ва унинг оила аъзолари, ҳокимлар, моддий, сиёсий ва ҳарбий жихатлардан қучайиб кетган зодагонларнинг тож - тахт учун ўзаро қурашлари XIX аср ўш 40-йилларидан бошланган. Ўтроқ ва қўчманчи аҳоли ўртасидаги низолар хонликдаги иқтисодий ва ҳўжалик ҳаётга салбий таъсир қўрсатди. Кўкон хонлиги минтақада ҳарбий қудратга эга бўлган мамлакат бўлса ҳам, Россия империяси олдида жуда заиф эди. Россия ўз жосуслари ва турли манбалари орқали хонликнинг ички ва ташқи аҳволдан ҳабардор бўлган. Ҳатто, тахминимизга қўра, Муслмонкул қатлидан сўнг, қирғиз қипчоқлариниш ўтроқ аҳоли билан бўлган қарама-қаршилиқларидан Россия унумли фойдаланди. Окмасжидга ҳужум қилиб уни босиб олди.

Окмасжид урушида мағлуб бўлган Кўкон амирлашқарлари хон саройи олдидаги майдонда халқ оммаси ҳузурида жазоланганда, хон ва унинг яқинлари қандай душманга дуч келганларини ҳали тасаввур ҳам қила олмас эди.

1853 йил охирида Худоёрхон Қосим мингбошини ўрисларга қарши Окмасжидга юборади ва унга яна Курама, Тошкент, Туркистон қўшинларини ҳам беради. Қосим мингбоши Фарғонадан 17 тўп ва бир неча юз қилта қилқили лашкари билан Тошкентга келади. Бу ерда Курама ва Тошкент ҳокимлари Қосим мингбоши билан маслаҳат қилади ва қуришни баҳорга қолдириб, яхшироқ тайёргарлик қўрмоқчи бўлади. Аммо хон тезроқ Окмасжидга қуриш қилишни буюради. Ҳут ойида Кўкон лашкари қататгина 17 та тўп ва қамонавий қуруллар билан қурулланган қор қўшинига қарши қикади. Иваз Мухаммад

Аттор Хўкандий ўз асарида Мирза хожи Кўлобий тилидан куйидаги воқеани келтирган: Окмасжидга яқинлашиб колганда Мирзо хожи ҳам бор кийими ва куролларини олиб Косим мингбоши хузурига келади. Саломдан кейин Мирзо ўрислар кўшини томонга кўл силкиб, бакириб, уларни узок жойдан кўрkitмокчи бўлгандай: «Эй кофирлар, тезрок йўк бўлинглар! Бўлмаса, холларингиз ёмон бўлади!» Мингбоши буни эшитиб, ундан бу килмишини сўраса: «Бундай ахвол билан узокка боролмаймиз: кор кўп, иссик кийимлар ва куролларимиз йўк. Музлаб кетаяпмиз. Шу ердангина уларга сиёсат килишимиз коляпти, холос», дебди Мирзо.

Кўкон хонлигининг чоризм билан муносабати огирлашиб кетди. «Буниет энг асосий сабаби чор ҳукуматининг Ўрта Осиё давлатларига нисбатан боскинчилик сиёсати эди. Натижада, Сирдарё пастликларида огир вазият юзага келди. 1853 йили рус кўшинлари Кўкон истехкоми бўлган Окмасжидни босиб олди. Шу даврда Кўкон хонлиги шу калъа, кейинчалик Туркистон, Алма ота, Янгикўргон ва бошка истехкомлар учун руслар билан жанг олиб борди».

Мусулмонкул мингбошилиқ ва вазирлиқ килган даврда хонзода ва тўраларни Худоёрхон атрофига хатто яқинлашишга ҳам кўймай, хар томонга сургун килиб, бевосита тахтга даъвогар-ларини ўлдиртирган эди. Тахтга даъвогарлиқ килувчилар орасида Рустамхон тўра - Махдуми Аъзам авлодларидан ҳам бўлиб, унинг онаси Чучукойим бинт Норбўтахон ибн Абдурахмонбий ибн Абдулкаримбий эди. У Худоёрхонни йўк килиш учун бошка гурухлар бошликлари билан тил бириктиради. Улар Андижон ҳокими Сўфибек ўглининг суннат тўйида Худоёрхонга суикасд уюштирмокчи бўлишади. Худоёрхонни пойтахтда йўклигидан фойдаланган Рустамхон тўра, Косим мингбоши, Камбарбек, Сўфибек тожик, Мирзо каландар Хўжандий, Мирзо Мунаввар, мулла Мухаммадсафо, Мухаммад Карим кўса, Бекмухаммад мирохур ва бошкалар кўзголон кўтаради. Иваз Мухаммад ўз асарида Мирзо Мунавварга «ишинг асосий ташкилотчиларидан» деб баҳо беради⁸⁶.

Худоёрхон Андижонда туриб Мухаммад Ниёз мингбошини Кўконга юборади. Исён бостирилиб, сўнг бошлиқларнинг баъзилари сургун килинади, баъзилари ўдцирилади. Рустамбек тўра аввал Коратегин, сўнг Кўлобга сургун килинади. Тўра кейинчалик Кўлобдан Хисорга, у ердан Бухорога бориб, амир хизма-тида уч йил колади ва 1858 йили Маллахон замонида Кўконга кайтади.

Худоёрхоннинг биринчи хонлиқ даври Шаркий Туркистондаги вазият ҳамда Кўкон ички ва ташки вазиятига таъсир этарди.

Шундай килиб, Кўкон хонлигининг огир ахволи, ҳокимларнинг ўзаро урушлари, Россиянинг босиб олиш сиёсати натижасида хонлиқнинг Шаркий Туркистонда фаол ҳаракат килиши оддини оларди. Бир вақтлар кучли бўлган бу давлат Шаркий Туркистон халқларининг хурриятга бўлган умид-орзуларини окламади, уларга керак бўлган ёрдамни беролмади.

Худоёрхон замонида ашрофлар ва кабила зодагонлари янги мансаб ва вазифаларга кўтарилди. 1852 йили Нормухаммад кўшбеги ўрнига Мирзо Ахмад Тошкент ва Дашти Кипчок ви-лоятига ҳоким бўлади. Лекин у сахро ахолисига ҳам зулм-ситам килади. Айникса козокларга жабр этадики, бунинг тафсилоти ақл чегарасидан чиқади. У кушпули ва кўкпули (соликларини) талаб килади, козокларни ўз болаларини сотишга мажбур килади. Натижада уруг ва жамоалар маслахатлашиб, ортикча соликларни бермай кўяди.

Хижрий 1273 (милодий 1857) йилда Жанубий Козогистон ерларида кўзголон бошланади.

Козокларни бостириб жазо бермокчи бўлган Мирзо Ахмад кўшини билан Авлиё ота калъасида камал килинади. Чимкентга юборилган Мирзо Ахмаднинг жияни Мирзобий сергили, кўнгирот ва бошка кабилалар дасталари томонидан тутиб ўлдирилади. Бу воқеаларнинг тафсилоти Абу Убайдуллохнинг «Хулосат ул-ахвол» асарида келтирилган (160а-1676 вар.). Охири козоклар кўзголови Худоёрхон юборган Маллабек ва Шодмонхўжа парвоначи бошчилигидаги кўшин томонидан бостирилади. Тошкентга кайтгунча Мирзо Ахмад тухмати билан Шодмонхўжа мингбошиликдан олиниб, Ёрмозорга сургун этилади. 1857 йили Мухаммад Ниёз минг-боши ўлади, унинг ўрнига Мирзо Ахмад мингбошиликка кўтарилади.

Шу орада Рустамбек юз Ўратепада Худоёрхонга карши исён кўтаради. Худоёрхон юборган кўшин Олма Барози дарёсида тўлик тор-мор этилади. Бу кўшинга бошчилик килган Фозилбек коракалпок мингбоши Самаркандга кочади. Аммо Бухоро амири уни дорга осиб, Ўратепага хужум килади. У шахарни фатх қилиб, Рустамбек юзни ўлдиради ва Хўжандга якин келади. Фаргона водийсида «амир кайта шахарни олади» деган овоза таркалади.

1857 йили Бухоро амири босқинчилигига карши бўлган халк урушга шайланиб, Хўжанд ва Кўкон атрофларини мудофаа воситалари билан ўраб олди. Лекин шу ташки истилолар шароитида хонлик тахти учун Маллабек ўз курашини кайта бошлайди. Ўша замон тарихчиси шундай ёзади: «Худоёрхон даврида кўзголон ўз хадиға етди, Хўконди латиф салтанати ва амирлигида ошублар ва бузгунчилик пайдо бўлди. Амирлар ва ву-заро ҳукуматда умуман ўз ишлари билан машғул бўлмасдилар.

Натижада кўтарилган исёнлар оқибатида давлат ишлари инкирозга дуч келди, тинчлик ва роҳат куши Анкоға ўхшаб номаълум томонга учиб кетди. Жаҳолат ва бўйсинмаслик раъйят ва аҳолининг шараф эшиклариға ёпишди. Хаёт кийинчиликларидан ўлка ва аҳоли ўртасида қахру қазаб олови ёнди. Болалигидан Худоёрхон давлат тугини разиллар кўлиға бериб, унинг оқибатларини билмасди».

Амир Насруллох кўлидан Хўжандни кутқариш, ақаси ўрниға хон бўлишни мақсад қилиб кўйган Маллахон исён кўтарди. Худоёрхон уни тутиб, ўлдирмокчи бўлганида Маллабек Гулжаға қочиб, Алимбек ибн Хасанбий ибн Шох Мирзобий қирғиз (Алиқули) олдиға келади. Бу ерда қирғиз жамоаларининг раҳбарлари Сайидбек додхох, Пўлат додхох, Чўтан, Мулла Мурод, Қуйчибий ва бошқалардан мадад олиб, Корасувға, кейин Андижонға келади ва катта кўшинни жамлаб, Риштоннинг жануб томонида жойлашган Хўжа Илгор мавзесида қўш уради. Бу орада амир Насруллох бирдан Хўжанд қамалини тўхтатиб, Бухороға қайтади. Худоёрхон Маллахонға зарба бериш учун Қашғар кишлокка якин бир жойға кўнади. 1275 йшға раби ул-аввал ойининг 16 қуни (милодий 1858 йили 25 октябрда) ақа-ука ўртасида жанг бўлиб, Худоёрхон тор-мор бўлади. Худоёрхон қам аскар билан Кўконға қочиб келиб, ўрдада яширинади. Мирзо Ахмад ўз кўшини билан Бухороға кетади. Маллахон келиб Кўконни қамал килади. Қўршовнинг 21 қунида Худоёрхон сулҳ тузмокчи бўлиб, Маллахон олдиға эшон шайх ул-ис-лом Сулаймонхўжани, Ёркабий додхох юз ва Қаноатшоҳни юборади. Лекин уларнинг кетларидан Андижон ҳокими Сўфибек, Марғилон ҳокими Шох Муродбек, Қосим мингбоши, Шодмонхўжа додхох, Яъқуббек қонсадбоши, Юлчибек қонсад, Мухаммадназар парвоначи Тўрақўргон ва Наманган кўшини билан чиқиб Маллахонға қўшилишади. Буни эшитган Худоёрхон уқаси Султон Муродбек билан Хўжандға, кейин Бухороға қочиб кетади. Раби ус-соний ойининг 6-си, жума қуни эрталаб (милодий 1858 йил 13 ноябрь) Маллахон

Кўконга кириб тахтга ўтиради" ; Кўп вақт ўтмай Маллахон ҳам Ўратепа ва Жиззахга юриш килади. 1859 йил бахорида амир Насруллох Ўратепа ва Жиззахни эгаллаб, Хўжандга яқинлашиб, Нов калъасига Ка-ноатшоҳни ҳоким этиб тайинлайди. Лекин Каноатшоҳ кейинрок Кўкон ҳукуматини тан олиб, ўзи пойтахтга келади. Маллахон Каноатшоҳни амирлашкар этиб, Худоёрхон ва Султон Мурод-бекка қарши Коратегинга юборади. У Гарм калъасини муҳофаза қилиб, Худоёрхонни у ердан кетишга мажбур килади. Худоёрхон Жиззахга келади. Шунда Маллахон хижрий 1276 йили ражаб ойида (1860 йили 24 январида) Жиззах устига Саримсок қурама билан Душабой понсадни юборади. Мирза Работ мавзеида Худоёрхон билан жанг бўлади. Худоёрхон кўшини мағлуб бўлиб, 76 киши асирликка олинади. Асирлар пойтахтга олиб келиниб, қатл этилади.

Шу йили Хитой давлатига Абдулфаттох Махдум элчи қилиб юборилади. Лекин уни Ёрканд ҳокими 27 нафар ҳамроҳлари билан ўлдиради. Иккинчи марта юборилган Махдум Конибодомий бошчилигидаги элчилар Кошгардан қайтариб юборилади.

Хижрий 1276 йили рамазон ойида (1860 йил 23 мартда) Маллахон яна кўшин бошлиқлари: Ўтаббий кўшбеги-кипчок, Сайидбек додхох қирғиз (Хўжанд ҳокими), Нов ҳокими мулло Қосим қирғиз, Облик ҳокими Мухаммадамин мирзо, Ирисали понсад ва Душабой понсадларга Ўратепа вилоятини босиб олишни буюради. Коратепа яқинидаги Айлонлик мавзеида Ўратепа лашкари Бозорбой тўқсабо бошчилигида уларга ҳужум қилиб, қаттиқ зарба беради. Сайидбек додхох ва Ирисали понсадлар асирликка тушадилар, қолганлар Хўжандга қочиб қелишади.

Бу воқеани эшитган Маллахон Ўшдан Хўжандга келади. Маллахон ҳукмронлиги даврида русларга қарши бир неча юришлар ташкил этилади. Хижрий 1277 йили муҳаррам ойида (милодий 1860 йил июль-август) Маллахон Тошкентга қелиб, унинг ҳокими Қозокбой оксоқолни Қурама ҳокими Нормухаммад кўшбеги билан бирга русларга қарши Тўқмоқ калъасига юборади. Кўкон кўшини Каноатшоҳ бошчилигида ва Андижон сипохи Олимбек додхох бошчилигида бу юришда иштирок этади. Лекин руслар билан жанг қилаётган вақтда бошлиқлар ўртасида низо чиқиб, Кўкон сипоҳларидан бошқа кўшин Тошкентга қайтиб келади. Тўқмоқ калъаси яқинида Каноатшоҳ ҳам мағлуб бўлади.

Амир Насруллох ўлиmidан сўнг (1277 хижрий йили раби ул-аввал ойида, милодий 1860 йили) Абдулгафур Нов калъасидан Ўратепага ҳужум қилиб уни олади. Лекин мустақилликка даъво қилган бу ҳоким ҳам Маллахон қаршилигига дуч келади. Амир Музаффар (1860-1885 йил) Маллахонга қарши Иброҳим Хаёл мангитни юборади.

Маллахон эса Маргилон ва Ёрмозор ҳокими Алимқули эшикоғаси қирғиз-кипчокни сафарбар этади. Бу орада Абдулгаффорбек юз Иброҳим Хаёл билан тил бириктириб Бухоро кўшинини шаҳарга қирғизади. Лекин Алимқули улар-ни чиқиб кетишга мажбур қилиб, 560 нафар Бухоро лашкарини асир олди. Амир Музаффар бундан газабланади, Иброҳим Хаёлни Шерободга ва Абдулгаффорбекни Чоржўйга сургун этиб, Ўратепага Баротбекни ҳоким қилиб юборади. Буни эшитиб Маллахон шаҳарга қайтиб, 80 кун уни муҳосира қилганида, халқ тазйиқи остида Баротбек мажбур бўлиб, Кўкон итоатига қиради. Бу орада Шахрисабз беклари қўзғолон қўтариб, ҳукуматларини қайта тиклаш учун Маллахондан мадад сўрайди. Маллахон амир диккатини ўзига тортмоқчи бўлиб, Жиззах ва Самарканд вилоятига ҳужум килади. Буни эшитиб амир Музаффар Шахрисабз юришини қолдиради, Самаркандга ва у ердан Янги-қўргонга келади.

Маллахон амир олдига Бобоҳўжа шайх ул-исломни элчи қилиб юборади. Музокаралардан сўнг амир Музаффар ва Маллахон ўрталарида сулҳ тузилиб, икки давлат чегараси

аникланади. Кўконнинг гарбий чегараси Козокбулок мавзесидан ўтадиган бўлади. Маллахон бу шартни Хўжандга келиб қабул қилади ва шартномага мухрини босади. Хижрий 1277 (милодий 1862) йили Каноатшоҳ Авлиёота ва Пишпаққа юриш қилиб, аҳолидан катта закот олгач, Тошкентга қайтади ва Маллахон буйруги билан Жўлак атрофида русларга қарши юриш қилади. Лекин у Жўлак яқинидаги жангда мағлуб бўлганидан сўнг Тошкентга қайтади.

Каноатшоҳ бу мағлубиятдан кейин, Маллахондан уни Тошкент ҳокимлигидан олинишини талаб қилади, лекин Маллахон Каноатшоҳни Чордарага келган Худоёрхонга қарши жўнатади. Каноатшоҳ Худоёрхонни таъқиб қилиб, Ём, Зомин ва Ўратепага келади, кейин Кўконга ўтиб, яна Тошкентга қайтади.

Шу ўртада Ўратепа ҳокими Баротбек исён кўтаради. Аммо Ўратепа халқи унга қарши чиқиб, ўз яқинлари билан Бухоро амирлигига тобе бўлган Мастчоҳга чиқиб кетишга мажбур қилишади. Маллахон Ўратепа мулкини Душабой додхоҳга беради.

Хижрий 1278 йили хут ойининг 6-куни (1862 йил 24 февраль)да Маллабек суикасд натижасида ўлдирилади. Манбалар маълумотида қараганда, суикасд раҳбарлари Олимбий парвоначи қирғиз, Хидирбий эшиқогаси, Шодмонхўжа парвоначи, Худойназар додхоҳ турк, Дўст меҳтар юз, Муҳаммад Иброҳим мирзабоши Қосоний бўлган.

Суикасдчилар Шохмуродхон ибн Абдурахмонбекни тахтга кўтаради. Унинг даврида хўжалик ва ижтимоий ҳаёт кескин оғирлашиб кетади, қимматчилик бошланади. Бир ботмон бугдой уни 12 танга, гуруч 121 танга, уч нимхўрда маккажўхори 1 танга, думба ёғи ярим тилло туради.

Маллахон ўлямини эшитиб Каноатшоҳ оталик каттик норозилик билан Жиззахда турган Худоёрхонга мактуб йўллаб, унга мадад беришга ваъда беради. Худоёрхон 1862 йили март ойида Тошкентга боради ва Туркистондан келган Каноатшоҳ ёрдамида кўшин йигиб, Кўконга қарши юришга ҳозир бўлади. Тошкент аҳолиси ҳам Худоёрхонга мадад беришга ваъда қилади. Тошкент рухонийларидан мулло Солиҳбек Охунд Маллахон қотилларини ўлдиришга фатво берган эди.

Шохмуродхон ҳам Худоёрхон қаршилигини йўқ қилиш учун Тошкентга келиб, уни қамалга олади. Худоёрхон ёрдам сўраб, амир Музаффар олдиға Мирзо Аҳмад парвоначини юборади. Амир рози бўлиб, Ўратепага ҳужум қилади. Бу воқеани эшитиб Шохмуродхон ва Фарғона амирлари қамалдан воз кечиб, Кўконга қайтмоқчи бўлади. Хижрий 1278 йили 14 зу-л-қаъда ойида (1862 йил 13 май куни) улар Хўжа ягона мавзеига кўна-дилар.

Маллахон қотиллари ичида низо чиқади. Улар икки гуруҳга бўлинадилар. Бир гуруҳ бошлиқлари Шодмонхўжа минг-боши, Олимқули амирлашқар, Пўлат додхоҳ парвоначи, Чўтан додхоҳлар бўлиб, иккинчи гуруҳга Марғилои ҳокими, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳлар бошчилик қиларди. Улар бир-бирларига айб қўйиб, каттик жанжал кўтаришади. Охири биринчи гуруҳ Шохмуродхон билан тил бириктириб, Хидир парвоначи, Худойназар парвоначи, Идрис қули додхоҳ ва бошқаларни тутиб ўлдиради. Шохмуродхон Кўконга қайтади, Худоёрхон Тошкентга чиқиб, Нов қалъасида амир Музаффар билан учрашиб, Хўжандга келишади. Худоёрхон Кўконга ҳужум қилмоқчи бўлиб турганида шаҳар аҳолиси шимолий дарвозаларни очиб, Худоёрхонни пойтахтга қирғизади. Хон аъёнлари Шохмуродхон кўшинидаги кўплаб қипчоқ-қирғизларни ўлдиради. Бухоро амири эса Хўжандга Маллахондан қолган ҳамма қурол-аслаҳаларини, яъни 29 тўп, 150 катта қароқўндок, 900 дона қалтиқларни олиб Қароқчиқум ва Маҳрам ўртасида қўш қуради". Мангитлар 6 кун давомида Маҳрамдан

Конибодомгача бўлган мавзелар - Ниёзбек, Хамиржўй, Кучгак, Кораянтоқ кишлоқларини талон-тарож қилади. Хижрий 1278 йили зу-л-хижжанинг 6 куни (милодий 1862 йил 5 май) чоршанбада Худойрхон Қўконга кириб келиб, иккинчи марта хонлик тахтига ўтиради.

Шохмуродхон амирлари Шодмонхўжа мингбоши, мулла Алимқули киргиз-кипчок, Мингбой додхох, Бек Муҳаммад, Жаркинбой додхох ва бошқалар Тоғлик дарвозаси орқали чиқиб кетган эди 100. Пойтахтда Худойрхон амир Музаффарни катта тантана ва шуқуқ билан қабул қилмоқчи бўлади. Каноат-шоҳ амир мадади билан хон душманларига, яъни киргиз-кипчок иттифоқига зарба бериб, уларни бутунлай тор-мор этишни таклиф қилади. Лекин амирлар Мирзо Аҳмад қўшбеги, Рустамбек додхох ва хоннинг укаси Султон Муродбек унга қарши чиқиб, амирни Хўжанддан қайтаришни талаб қилдилар. Улар шундай даъво қилдиларки, «бу Музаффар Қўконни босиб олган ўша Насруллохнинг ўғлидир ва унинг ваъдаларига ишониб бўлмайди». Хон ҳам бу фикрга рози бўлиб, Каноат-шоҳ оталиқни элчи қилиб, Хўжандга амир Музаффар олдига юборади. Амир бу таклифга рози бўлади ва Бухорога қайтмоққа розилик беради, Каноатшоҳни ўзи билан олиб кетиб, ўлдиртириб юборади.

Худойрхон Султон Муродбекни Марғилонга, Дўстумбойни Андижонга, Дўст Муҳаммад эшикоғаси қорақалпоқни Балик-чиға ҳоким этиб, киргиз-кипчок жамоасига қарши Андижонга мулло Султон ва Худойназарни лашқар билан юборади. Исён қўтарганлар билан музоқара эса натижасиз ўтади. (Уларнинг оддиларига Сулаймонхўжа аълам юборилган эди). Киргиз-кипчок қўшини Андижондан Марғилонга, кейин Асакага келиб қолган уруғ ва қабилалардан ёрдам сўрайди. Худойрхон янги қўшин йигиб Яқкатутга келишади. Қўкон аҳолиси ҳам дасталар тузиб Фозил Аҳадшайх (ҳазрати Соҳибзода), Сулаймонхў-жа, Худойназар амин-мухтасиб раҳбарлигида Яқкатутга кела-дилар. Зарқент анхори олдида уларга Шодмонхўжа ҳужум қилиб, Қўкон дасталарини тор-мор этади. Шу орада киргиз-кипчок жамоалари Шохрух исми бир кишини ўзларига хон қўтаргандилар. Бу қабил аиттифоқи Марғилонни қамал қилиб ололмай, Қўконга ҳужум қилиб, уни муҳосира қилади. Бу қамал хижрий 1279 йили раби ул-аввал ойининг 12-куни (1862 йил 6 сентябрда) бошланади. Улар шаҳарга элчилар юборади ва Худойрхоннинг мағлуб бўлиши хабарини бериб, шаҳарга қиритишларини талаб қилади. Шаҳар аҳолиси Марғилонга одам юбориб, бу хабар игво эканлигини билгач, мудофаага ўтади. Чорчаман деган мавзеда шаҳар мудофаачилари киргиз-кипчок-лар билан жанг қилиб, уларни қайта Асакага кетишга мажбур қилади.

Худойрхон ҳам қилиб тахтга ўтиради, лекин киргиз-кипчок-лар яна қуч йигиб, Қосон, Чуст атрофида қўзғолон қўтаради ва Тўрақўргонга ҳужум қилишади. Улар ҳатто Тошкент атрофи-даги элоти улуғларига хатлар ёзиб, хон қўтарган Шохрух би-лан маслаҳат қилиб, мадад беришларини сўрашади. Шунда Тошкент атрофидаги қозоқлар қўзғолон қўтариб, Тошкентни қамал қилишади. Бу қўзғолонни бостириш учун хон укаси Султон Муродбек ва Дўстмуҳаммад додхоҳни сафарбар этади. Қўчманчилар қўшини Қамолон дарвозасидан (Йўлдошбек деган қиши ёрдами билан) шаҳарга қиради. Лекин Сағбон, Қўкча, Себзор, Шайхонтохур маҳаллалари аҳолиси Дўстмуҳаммадга ёрдам бериб, Жанггоҳ мавзесида қўчманчиларни тор-мор эта-ди. Кейинчалик улар яна Исмоил ота мавзесида ҳам жангда мағлуб бўлиб, қўшинлари тарқатиб юборилади. Дўстмуҳаммад бу иши учун парвоначи унвонини олади. Ниёзали ва Шерали додхоҳ Тошкент волииси ноиби бўлади.

Шу орада киргиз-кипчок бошликлари Шохруххон ўрнига «насаби тоза, хонзода бўлган» бошка бировни тахтга кўтариш ниятида номзод кидира бошлайди. Шодмонхўжа ва Аликули Маллахоннинг куёви Сайид Махмудхон тўрага одам юбориб, ундан Маллахоннинг ўгли Султон Сайидхонни ўз кўшинларига хон қилиб кўтариш учун юборишни сўрайди. Султон Сайид-хон ибн Маллахон Шохрух ўрнига хон қилиб кўтарилади. Сохта хон Шохрух эса ўлдирилади. Султон Сайидхон Шодмонхўжа, Сайид Махмуд тўра, Аликули билан бирга Маргилон томонидан қелиб Андижонни камал этиб, кейин босиб олади. Улар Андижон улуглари ва бойларини гаровга олиб, эвазига пул ва мол йиғишади. Андижон атрофидаги Баликчи, Кува, Асака, Шахрихон, Ўш, Пойтут мав-зелари талон-тарож этилади. 1279 йил шаъбон ойининг 21 -куни (1863 йил 11 феврал) Маргилон камали бошланади. Апрель ойида Маргилон ҳокими Мирзо Аҳмад хиёнати натижасида у киргиз-кипчоклар қўлига ўтади. 1863 йил 26 апрелда бу жамоалар қўшини Мингтутга қелиб, Қўкон мухосарасини бошлайди. Бухоро амири Худоёрхонга ёрдам бермокчи бўлиб, Ўратепа ҳокими Оллоёрбек ва Жиззах ҳокими Ёқуббекни қўшинлари билан юборади. Орада бўлган каттик урушда икки томон ҳам қўп талафот кўради. Нихоят, киргиз-кипчоклар қўшини чекиниб, Октепа мавзеига кетишади. Сўнг улар Ёрмозорда мудофаага ўтишади. Орада Бухоро амири ҳам Фарғонага келади. Бухоро ва Қўкон қўшинлари бирлашиб Олтиарик кишлогига келганда, киргиз-кипчок лашкари Асака томонга кетиб, Карогулча дарасида химояга ўтади. Амир ва Худоёрхон юборган элчилар мақсадларига эришолмай қайтиб келади. Кабилалар иттифоқи бирлашган қўшинлардан Маргилонга чекинишини талаб қилади. Худоёрхон ва амир Музаффар лашкарлари билан Маргилонга қелишади. Лекин Мирзо Аҳмад ва Ёқуббек эшикоғаси қўзғолончилар томонига ўтиб, Қорагулчага боришади. Бу эса иккала ҳоким учун ҳам огир ходиса бўлади. Амир ва хон қўзғолончилар олдида қайта элчи юборгани-да, улар амирдан Худоёрхон Хўжандга кетиш ва Дўст Мухаммад билан Ниёзалини ўз вазифаларидан олиб, Султон Муродбекни эса Тошкентга юбориш шартларини Мирзо Аҳмад қўшбеги маслаҳати билан қўяди. Худоёрхон амир талаби билан бу шартларни қабул қилади. Исёнчилар иккала лашкарни бир-биридан ажратиб, аввал Ўзган, кейин Асака, сўнг Маргилон томонга йўл олади. Амир Музаффар бу жамоа хийласидан хабарсиз улар ҳузурига элчи юбориб, Маргилонга сулҳ тузиш учун кабила улугларини юборишини сўрайди. Элчи Асакада қўзғолончилар раҳбарлари билан учрашади ва қуйидаги жавобни олади: «Хозирча биз Бухорои Шариф ҳукмдори жаноби амирни ҳурмат қилиб келдик ва муносиб ҳоким деб билиб, унинг ёрдамида Фарғона мулкида тинчлик-ни ўрнатмокчи бўлдик. Энди эса билдикки, жанобнинг мак-садлари ўлка тинчлиги ва тотувлиги бўлмай, битим имзолаш бахонасида бизни ўлдириб, Фарғона диёрини босиб олиш экан. Вақтида оталари амир Насруллох ҳам шундай қилган эди. Биз ўз зарарини фойдасидан ажратиб ололмайдиган нодонлардан эмасмиз. Бухоро амири ҳурмати учун биз уч кун муҳлат бериб, Бухоро лашкарининг кетишини қутағиз. Агарда шу мактубни олиб, Бухорога кетмасангиз, тўртинчи куни Маргилон ёнида урушга тайёр бўлинг. Албатта, зафар ва го-либият сирлари парда остида бўлиб, Тангрининг иноятига

боглик, лекин жангдан олдин Аллох бир томонга зафар ва нусратини берган. Агарда биз мағлуб бўлсак, ор килмаймиз, чунки хонимиз хали гўдак ва бизлар бир кўчманчи жамоамиз. Лекин Аллох инояти ва мархамати билан амир мағлуб бўлиб, тор-мор этилса, Бухоро давлатининг шаъни ва шара-фи колмай, дўсту душман олдида шарманда бўлади. Бу шармандаликнинг окибати киёматгача Бухоро амирлари елкаларига юкланади. Жангимиз Фаргонанинг ўртасида ўтади ва агарда Бухоро кўшини мағлуб бўлса, бухороликлардан бирор киши тирик колмайди».

Амир бу даъводан хавфсираб, Бухорога кайтмокчи бўлади, лекин Кўконга келиб, ундаги хамма мохир усталар, хунарманд-косиблар хамда асли бухоролик бўлган усталарни хам оилалари билан Бухорога олиб кетади. Кўкон хазинаси, курол-аслахалар, пойтахтнинг энг гўзал хотин-кизлари, ёш болаларни зўрлик билан олиб, 1863 йили сафар ойида (июль ва августга мувофик) амир Ёрмасжидга, кейин Бешарикка келади. Бу ердан у ўз рикобида олиб юрган Шохмуродхонни киргиз-кипчоклар олдида юборади. Бу жамоа бошликлари Кўконни олганларидан сўнг Шохмуродхонни, Хўжа Сайидбийнинг ўгли билан Махдуми Аъзамни тахтга даъво килмасликлари учун Корасувга юбориб, Хазрати Юнус ва Хазрати Аюб мазорларида катл этади.

Султон Сайидхон ибн Маллахон хижрий 1280 йили сафар ойининг 7-сида (1863 йили 24 июль) Кўкон тахтига кўтарилади. Аликули Фаргона амирлашқари бўлиб олиб, хамма кудратни ўз кўлига олади. Шодмонхўжа Тошкент ва Туркистон вилоятига волий бўлади. Мингбой Аликулига ноиб этиб тайинланади ва Хўжандни босиб олиш учун юборилади. Хўжанд мудофаасида Бухоро амири дастаси ва ўратепаликлар дастаси хам катнашади. Лекин мангитлар ва Дўстмухаммад ҳукуматида карши шаҳар аҳолиси бош кўтариб, шаҳар дарвозаларини Мингбой сипоҳига очиб беради. Дўст Мухаммад таслим бўлиб, кейин Бухорога кочиб кетади. Хўжандга Мирзо Аҳмад ҳоким бўлади.

Султон Саидхон Аликули маслахати билан Тошкент вилоятига бориб, Шодмонхўжани 1280 хижрий йили раби ул-аввал ойининг охириги кун, пайшанба кечаси (1863 йил сентябр ўртасида) катл этиб, хамма мол-мулкни мусодара қилади, Нормуҳаммадни Тошкент ва Туркистонда волий этади.

Шу йили Кўконда Султон Саидхон учун ўрда - хон саройи қурилади. Султон Саидхон даврида мулло Аликули ташаббуси билан русларга карши бир неча юришлар уюштирилади. Лекин Россия империяси кўшини кетма-кет Кўкон истехкомларини босиб олиб, 1864 йил кузида Тошкентга яқинлашади. Нихоят, 1865 йил май-июль ойларида Тошкент босиб олиндики, бу ҳақда «Тарихи Туркистон»даги бобда муфассал фикр юритилган.

Тошкент химоясида қаҳрамонлик кўрсатган Аликули ҳалок бўлади.

Султон Саидхон Бухоро амири талаби билан Бухорога юборилади. Тошкент тасарруфидан сўнг киргиз-кипчоклар Кўконга кайтиб, Шодибий авлодларидан бўлган Худойкули ибн Максудбек исмли кишини хон кўтаради. Бекмуҳаммад кипчок мингбоши бўлиб, Мирзо Аҳмад даврида дастурхончилик вазифасига кўтарилади. Киргиз-кипчоклар 14 кун пойтахтда қолиб, русларга карши газот баҳонаси билан аҳолига 100 минг тилло солиқ солади. Шаҳарликлар билан бу кўчманчи жамоа ўрталарида зиддият оғирлаша бошлайди. Шунда кипчоклар 1865 йили 11 июлда шаҳар аҳолиси газабидан хавфсираб, Кўкондан чиқиб кетади. Аҳоли Ўрдани талон-тарож қилади. Бухоро амири хам Худоёрхонга ёрдам бериш баҳонасида билан хон билан бирга Хўжандга келади. Кейин хижрий 1282 йил 20 сафар ойи (1865 йил 15 июл) амир кўшини билан пойтахтга қиради. Унинг сарбозлари яна шаҳар атрофидаги мавзеларни талон-тарож қила бошлайди. Амир

Оллоёрбек парвоначини лашкари билан киргиз-кипчокларга карши юборади. Арабон кишлоги якинида икки кўшин жангта киришади. Киргиз-кипчок лашкари огир урушлардан кейин мағлуб бўлиб, уларнинг баъзи раҳбарлари Хол понсад, Юсуфбой Мирзо, Илтаркоб кипчок асирга тушади. Оллоёрбек колган жамоа аскарлари оркасидан Модии мавзесига келади. Сўнг бирдан Маргилонга кайтиб келиб, амирдан хонни ҳам лашкари билан юборишини талаб килади. Худоёрхон кўшини билан келганида киргиз-кипчок Тирак довонидан ўтиб, Кошгарга - Ёқуббек Бадавлат хузурига кетган эди. Худоёрхон Кўконга кайтади.

Рабби ус-соний оий 22 куни амир Музаффар Ўрдадан кочиби, «шоҳона нарсалар, тўплар, милтиклар, курол-аслаҳалар, гиламу колинлар, ҳамда 300-400 хотинкизлар, халкнинг болаларини асир килиб олиб Мўйи Муборакка келади. Сешанба куни амир Кўкон хонлигидан чикиб кетади».

Киргиз-кипчокларнинг бошқа гуруҳ раҳбари Абдурахмон офтобачи (Мусулмонкулнинг ўғли), Каримкули дастурхончининг ўғли, Мухаммаддиёр кўшбегининг ўғли ва Тошқаро ўз қабила-уруғлари билан келиб Худоёрхонга тобе бўлади, лекин уларнинг бари тутиб ўлдирилади.

Бу даврда русларнинг Туркистонни босиб олиш сиёсати яна-да авж олади. Ўзаро уруш ва низолардан фойдаланиб, Россия кўшини хижрий 1282 йили рамазон ойларида (1860 йил феврал) Жиззахни босиб олиш учун Тошқентдан чикиб, Учтепага келади. Жиззах ҳокими Ёқуббек улар билан урушмай, бир неча туяда озик-овқат ва отларга ем-ҳашак юбориб, дўстона муносабатда бўлади. 300 нафардан иборат рус кўшини огир шароитда чўл орқали кайта Тўйтепага келади. Ана шу ҳолатда Бухоро амири 1866 йили март ойида яна Фаргона мулкига кайтади. Фаргона ахли амирдан ёрдам кутади. Кучларни бирлаштириб, русларни Туронзаминдан хайдаб юборишга умид килади. Та-рихчи Иваз Мухаммад Аттор ёзади: «Хўканди латиф вилоятида балойи ом юз берди. 27 йил бўлдики, бу ерда ҳар йили, ҳар ой ва ҳар куни низо ва исёнлар бўлиб ўтаяпти. Жасур кишилардан бирор бир мард йўкки, душманга карши чика олса. Мана, 10 йиддики, ўруслар билан жанг бўлаяпти. Хўкандликлар бир неча марта Окмасжид, Олой, Авлиё ота, Мерка, Пишпак, Алмаота, Жўлак ва Кўргонга кўшин тортдилар. Ўрисларга кар-ши жангларда кўп киши нобуд бўлди. Бу бало бизнинг замонимизда юз берди. Бундан ҳамма хабардор. Шу хикоямиз даврида очлик ва кимматчилик узок йиллар давом этди. Одамлар шундай огир аҳволга тушдики, хатто Хўканди латиф вилояти ва унинг аҳолиси ҳам бу фалаки бевунёд зулмига гирифтор бўлди. Халк охириги кучи ва кудрати билан кад-коматини ростлаб, амир ва Худоёрхонни кўтарди. Руслар жангларига кўшимча (амир) ҳамиша бечора хўкандликларни урушга сафарбар этиб, ўзи вилоятнинг гох бу ерида, гох бошқа жойида огир зарарлар етказарди... Бу разил ишларининг тафсили шундан иборатки, Хўканди латиф аскарларини оддин рус жангига юбориб, ўзи бир-икки манзил орқада юрар эди. Ўзи тирик колмокчи бўлиб, хўкандликларни халок бўлиб кетишларига парвоси йўк эди». 1866 йил апрел ойида Худоёрхон амир талабларига бошқа итоат килмай, русларга карши жангдан воз кечди, кайтиб Кўконга келади.

Кўкон хони 1867 йил январ ойида Россия давлати билан савдо битимини имзолаган эди. Кўконда тинчлик 1873 йилгача давом этган бўлса ҳам, хон зулм ва ситами, якинлари ва маҳаллий ҳокимлар жабри натижасида ҳамда киргиз-кипчокларнинг қайта бош кўтарилишидан хонлик ҳудудида ўзаро низолар ва халқ чиқишлари бошланганди.

1873-1875 йиллари Ўзганд ва Ўш киргиз жамоалари Маъмур Мирганиев раҳбарлигида бош кўтарди. Уларга қарши 2 марта Султон Муродбек юриш қилиб, қаттиқ жазо беради. 3 марта Худоёрхон Абдурахмон офтобачи ва Исо Авлиёни қатта қўшин билан юбориб, бош кўтарган киргиз-кипчокларни киргин қилади. «Тарихи Азизий»нинг муаллифи Мухаммад Азиз Маргилоний бу юриш ҳамда киргизларга нисбатан кўрсатилган зулмни муфассал баён қилган.

Маъмур Мирганиев Худоёрхон илтимоси билан Тўқмоқ вилоятига сургун қилинади. Лекин у 1878 йили кўзғолон кўтарган Етимхонга амирлашқар бўлиб, руслар ҳукуматида қарши чиқади. Туркистон генерал-губернатори К. П. Фон Кауфман буйруғи билан Андижонда «халқ ибрати учун» 1879 йили 25 январда дорга осилади.

Худоёрхон 1868-1873 йиллар давомида Россия билан муносабатни яхшиламоқ учун Тошкентга кўп тухфа ва тортиқлар юборади. У Россия савдогарлари учун қулай шарт-шароитларни таъмин қилиб беради. Лекин шу орада ички зулм ва сиёсат қескинлашиб боради. Худоёрхон буйруғи билан Кўконга қайтган Султон Саидхон ибн Маллабек 1868 йили қатл этилади.

70-йилларнинг бошларида Худоёрхон қўшин сонини кўпайтириб, отлик лашқар сонини 12 мингга етказиб, қурол-аслаҳа билан ҳам таъминлайди. Халқ меҳнатидан фойдаланиб, шаҳар ва қишлоқ жойлардан мардикор йигади, Модарихон мадрасаси ҳамда Улугнаҳр аригини казиб тугатади. Бу ариқни казишда хон сарқори Отакул баҳодурбоши кўрсатган зулмни Мухаммадазиз Маргиноний қуйидагича баён қилади:

«Ботурбоши (Отакул) бу мардикорларга шу даражада қаттиқ азоб берадики, (агар) қари мўйсафидлар қарчаб дам олиб турганини кўрса, ё эшитиб қолса, дарҳол қалтаққа ётказадур. Иттифокан бир кишини оёғига бир мардикорни кетмони тегиб, оёғини мажруҳ қилибдур, ўрнидан туролмасдан йиглаб қолибдур. Ўзодан келаётган ботурбоши кўзи тушиб, отини югуртириб келуб, баланд овози билан ҳақорат қилуб, «нима учун ўтирибсан, ишламайсан», дебдур. Унга мўйсафид кетмон теккан оёғини кўрсатуб, йиглаб турубдур. Дарҳол бир гуруҳ мардикорни чақириб, буюради «оёғини тағига ётқуз» деб. Мардикорлар ётқузадирлар. «Устига тупроқ тортиб қўмиб юбор», деб. Устига тупроқ тортиб, босиб ташлашдилар. Ботурбоши кетганидан кейин шунча адад мардикорлар йиглаб, кўз ёшларимиз тўхтамади ва кечаси билан дуойи бад қилуб чиқдук». Шу муаллиф яна Ёрмозорнинг бир ясовули номидан шундай маълумот келтирадики, Улугнаҳр остида чиккан сув тўхтаганидан сўнгра, сув тўхтасин деб оти «Тўхтамиш» бўлган бир неча кишини олиб қелиб, сув урган жойга қўмиб қўйган эканлар»

Бунинг устига 1873 йили Худоёрхон «васика баробар» ёки «Маҳрум мерос» (меросдан маҳрум) деган буйруқ чиқаради. Унинг мазмуни шу эдики, Худоёрхон 45 ёшга киргани муносабати билан шу даврда қилинган васикаларни бекор этиб, одамлар меросига ҳам ўзини қўшиб, бир қисмини тортиб олади. Халқ бош кўтаради. Қарши чиккан уламоларга жазо берилади. Фармон Хўқанд, Маргилон, Андижон, Ўш ва Наманганда тарқалади. Шу йили мулло Исоқхон Хасанбой ўғлининг кўзғолони бошланади. Уни киргизлар Пўлатхон номи билан хон кўтариб, Худоёрхонга қарши чиқишади.

Ўрдада Абдурахмон офтобачи ҳам мулло Исо Авлиё билан тил бириктириб, Сайид Насриддинбекни, яъни Худоёрхоннинг ўғлини хон қилиб кўтармоқчи бўлади. У Султон

Муродбекни кипчокларга топширишга ваъда беради.

Султон Муродбекни Иккисувга юборишади. Абдурахмон офтобачи Пўлатхон билан алоқа ўрнатади. Косон якинида Абдурахмон офтобачи билан Кўкон амирлари Махмудхон тўра Тошкандий (Пскентий), Холикулн эшикогаси курама, Косим эшикогаси, Турсун тўксабо, Мухаммад Сайид ҳудайчи, Сайид Махмудхон ҳудайчи (Соковтўра), Назаркули парвоначи, Зулфикорбек Фозилбек дастурхончи ўгли, Гадойбой ва Миролим эшикогаси, Саримсок додхох ҳудайчи, кипчокия сардорларидан Кийикбой парвоначи, Мерганбой эшикогаси, Худоёрхон ва Наримон эшикогаси, Мулло Йўлдош ва Нормухаммад эши-когаси, Нормухаммад тўксабо, Холмухаммад, Мирзо Атоий тўксабо, Гойиб Мирзо, кенагас жамоаси улугларидан Худоёр-хон додхох, Йўлбоши, мулло Рахмонкули эшикогаси, мулло Олимжон, Мирзо эшикогаси, Мухаммадкули тўксабо, Мухам-мадали эшикогаси, Мусо тўксабо, Ботир тўксабо, Ёкуббек тўксаболар 12 минг кўшин билан Хитой сойига келишади. Сайид Насриддинбек ҳам Офтобачи олдига келади ва унинг томонидан хон килиб кўтарилади. Улар Хўкандга хужум килмокчи бўлганида Худоёрхон Хўжандга кочади ва шу ерда ўгли Насриддинбек фойдасига тахтдан воз кечади. Манбаларнинг хабар беришича, Худоёрхон Кўкондан 22 арава хазина бойлиги бир канча тилло, кумуш ва мисдан ясалган идишлар, қолину гиламлар, тарихий ва диний китобларни, 150 та тўп ва замбараклар, милтикларни ўзи билан Тошкентга олиб келиб, чор маъмуриятига топширмокчи бўлган".

Йўлда уч арава хазина аскарлар, аҳоли томонидан талон-торож бўлади. Махмудхон тўра эса яна икки арава хазина бойлигини, учта замбарак ва отлик лашкарни Кўконга кайтаради.

Худоёрхон Кўкондан чикиб кетганида хон ўрдаси аҳоли томонидан талон-торож бўлади. Отабек шарбатдор ва Тошкентдаги Кўкон намояндалари бўлмиш Мирзо Хаким уйлари ҳам талон-торож қилинади".

Хўжандда Абдурахмон офтобачи томонидан юборилган кўшин Отакул баходурбоши, Кичикбой кипчок рахбарлигида шаҳарга кириб, бу вилоят хазинасини бўшатади. Насриддинхонни яна ок кигизга солиб, Кўконда хон кўтаришади. Офтобачи Россияга қарши хонлик аҳолисини сафарбар килмокчи бўлади. Офтобачи томонидан йигилган кўшин Махрамга келиб, Россия кўшинига қарши мавке эгаллайди. Абдурахмон офтобачи буйруги билан Зулфикор ибн Фозилбек ва Максудхон тўралар Тошкентга юриш килмокчи бўлгани учун Курамага юборилади. Лекин улар Россия империяси кўшини рахбари генерал К.П.фон Кауфман бошчилигида қарши олиниб, зарба берилади. Русларнинг бошка дастаси Скобелев кўмондонлиги остида Хўжандга келади кейин келиб кўшилган Кауфман дастаси билан қучайиб, Махрамда Офтобачи кўшинига яқин келади. Чор кўшинида Шахрисабз беклари Жўрабек ва Бобобек ҳам бўлишган".

Махрам якинидаги урушда Абдурахмон офтобачи кўшини тор-мор бўлиб, ўзи Маргилон якинидаги Карпил мавзеига қочиб боради.

Кўконда қолган Насриддинхон чор аскарларини рахбарлари билан қутиб олиб, Русия ҳукуматини тан олади. Бу вақтда Икки сувдан қочиб қелган Султон Муродбек вилоятда ҳоким эди. У руслар тобелигини қабул қилган бўлса ҳам, таслим бўлган Отакул баходурбоши ўрнига Маргилон ва унинг атрофига ҳоким этиб тайинланиб, зиммасига уруш жаримасилак-пули (40 минг тилло) йигиб олиш юклатилади. Андижон ва Ўш аҳолисидан ҳам русларга қарши чиккани учун жарима оладилар. Чор ҳукуматида қарши хонликнинг шарқий ҳудудида яшайдиган аҳоли бош кўтаради. Маргилон аҳолиси Отакул баходурбошини «бу русларга сотилган хоин» деб, тутиб олиб ўлдиради. Шаҳар аҳолиси

кўзголонига Валихон тўра, Хайитбой эшикогаси бошчилик килади. Пўлодхон русларга карши катта кўшин жамлайди. Хўкандга хужум килмокчи бўлганида Насриддинбек 13 кун энди мустакил хонликка ўтириб, чор ҳукумати билан битим тузади (1875 йил 25 сентябр). Бундан хабар топган аҳоли яна кўзгалиб, ўрдага хужум килади. Насриддинбек Хўжандга кочади.

Пўлодхон ҳам чор аскарларига карши аҳолини сафарбар килмокчи бўлади. Шахарликлар, кўчманчи жамоалар, мадрасалар талабалари Пўлодхон аскарига кўшилиш учун Маргилонга келади. Унинг буйруғи билан боскинчилар билан ҳамкорлик килган кишилар катл этилади. У хонзодаларни ҳам тутиб, катл қилишни одамларига буюрган эди".

1293 хижрий муҳаррам ойида (1876 йил февраль) Наманганда турган Скобелев генерал-губернатордан подшоҳ имзоси билан Кўкон хонлигини бутунлай босиб олиш учун фармон олади. Скобелев хийла ва найранг билан Абдурахмон офтобачи ва Пўлодхонни Асака ва Андижон оралигида кўлга киритади.

Пўлодхонни тутишга ёрдам берган Ўрозбой Худоёрхон ва Хошимберди Шамбаров Россия империясининг тилла нишонлари билан тақдирланади.

Абдурахмон офтобачи муҳаррам ойининг 20-куни Россиянинг Екатеринбург губерниясига сургун этилади. Насриддинхон эса Россиянинг Владимир губерниясига юборилади. Пўлодхон (Исоқбой ибн Хасанбой ўғли) эса Сайид Мавлонбек ва Али Акбарбек ибн Саидмуродбек талаблари билан Маргилонда 1876 йил 1 март куни дорга осилади. Унинг хомийси мулло Абдул-Мўмин ибн Мухсинбек Тошкандий ҳамда Абду-л-Мўмин ҳам Тошкентга олиб борилиб, Солор анхори ёқасида дорга осилади. 1876 йил 19 февралда Кўкон хонлигининг ерлари чор Россияси кўшини томонидан тўлик босиб олинди, Фаргона вилояти тузилади. Шундай қилиб, 150 йилдан кўпроқ мавжуд бўлган Кўкон давлати барҳам топади.

XIX асрнинг 70-йиллари ўртасида Туркистон минтақасининг кўп ерлари чор Россияси таркибида эди. Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги расман ўз мустақиллигини саклаган бўлса ҳам, аслида ушбу давлатга бутунлай тобе бўлиб қолдики, натижада жанубда Амударё бўйлариғача бўлган ерларни ўз тасарруфига киритади.

Россия империясининг босқинчилиги даврида Ўрта Осиё халқлари ерга нисбатан эгалик муносабатлари (феодализм) мавжуд эди. Шу муносабатларнинг емирилиши натижасида ижтимоий карама-қаршилик ва зиддият қучайиб кетади. Бу зиддиятлар XIX асрнинг ўртасида содир бўлган уруш ва низоларда ўз аксини топган. Юқорида баён қилинган Россия-Кўкон алоқалари, жуда оғир ҳарбий ва сиёсий воқеалар ана шу тарихий даврда бўлиб ўтганига гувоҳ бўламиз. Тарихий шароит ва халқаро тарихий жараёнлар кейинги даврларда Туркистон халқларининг тақдири ва келажагини Россия давлати билан боғлаб қўйди.

«Тарихий мерос» туркумида нишона сифатида китобхон эътиборига ҳавола этилаётган «Туркистон тарихи» муаллифи Мирзо Олим Махдум хожи узок йиллар «Туркистон вилояти газети»да муҳаррирлик қилган маҳаллий зиёлилардан бўлиб, унинг таржимаи ҳоли аниқ ва батафсил маълум эмас. Унинг «Тарихи Туркистон» асарининг биринчи қисми 1908-1915 йиллар давомида ўзи бошчилик қилаётган газетада босилиб чиққан ва 1915 йили Россия империяси томонидан Тошкентнинг босиб олиншининг 50 йиллик санаси муносабати билан алоҳида китоб ҳолида Туркистон генерал-губернатори ҳарбий округи босмаҳонасида чоп этилган. Бироқ, асарда кўпгина техник хатолар, ҳарфларнинг хато терилиши кўзга ташланади.

Асар Туркистон хонлари тарихига бағишланган бўлиб, унда ўлканинг кейинги 50 йил

давомида юз берган ўзгаришлари маҳаллий муаллиф томонидан таҳлил қилинади. У 1915 йили «.. мусулмония асри илан эллик йил миёнасида фарқ ва тафову-тини андин баён айлаб, тарихнинг биринчи жилдини тамом қилдим», деб асарининг иккинчи жиддини бошлаганини маълум қилади.

Мазкур асарнинг Қўкон тарихчилари асарларидан фарқи шундаки, муаллиф унда Қўкон хонлиги тарихидан сўнг Бухоро амирлиги ва Хоразм давлати тарихини қисқача баён қилади.

Муаллиф Россия империясининг Туркистон шахрига бостириб кириши ва уни ўз тасарруфига киритишини қуйидаги мазмунда таҳлил қилади:

«Туркистон шахрига Мирзо Давлат тожикни ҳоким қилиб кетгандин кейин Мирзо Давлат кибр ва гурур илан сарҳадда қараб ва пойлаб турган улуг Россия давлатини кўзга илмай ва атрофидаги козоқияларнинг қариб ва бечоралик ва давлатхоҳликларини андиша ва мулоҳаза қилмай, беш кунлик ҳукуматга мағрур бўлуб, бир неча қароқчиларни Туркистонга йигиб, элатияларни талон-торож ва бетинч қила бошлабдур. Мирзо Давлатнинг бул тариқа ёмон феъли ва зулмидин элатия халқи ва-бийлари танг бўлуб қочар ва ноиложликдин онинг итоатидин чиқиб, Россия ҳукуматига тобе бўлмақни ихтиёр қилибдур. Билохир, ул золимнинг зулми ва шарри қасофатидин мажмуи элатия ва узбақия ва Туркистон атрофидаги козоқиялар Россияларга қариб айтибдурларким, алҳол Туркистон шахри ичидаги халқдин бошқа ҳамма тавобиотлари Россиянинг тахти тасарруфига қиргандур. Моварауннаҳр хонлари, қунончи, Бухоро ва Хўқанд хонлари орасида адоват ва ҳусумат пайдо бўлуб, амири Бухоро Фарғона мамлакатини тахти тасарруфига олмоқ муддаосидадур. Агар Бухоро ва Фарғона бир мамлакат бўлуб қолса, ул ҳолда Бухоро маҳкуми икки пойтахтни ихота қилиб, то Тибет ва Қандаҳор тоғларидин тортиб, лашқар жамъ қилғудек бўлса, иш оғир бўладур. Алҳол оларнинг ораларида низо ва беиттифоклик пайдо бўлуб турган ҳолда ишни тезлик ва осонлик илан саранжом қиладурмиз, ҳусусан Сирдарёнинг кема ўтадургон жойлари Россия қўлига қирган вақтда икки мамлакат, яъни Бухоро ва Хўқанд ва Тошқанд ораси банд бўлуб, Моварауннаҳр мамлақати осонлик илан қўлга қирадур».

Мирзо Олим Тошқанд шахрининг қосиб қилинишини ҳам Ўрта Осиёдаги икки мамлакат орасидаги қарама-қаршилик ва ички низолардан деб қилади: «Россиялар Тошқандни муҳосара қилиб турган вақтда икки ҳамсоя мусулмония мамлакатларининг подшоҳлари Россияларнинг тўп овози етадургон яқин масофада мамлакатларига истило қилиб қелиб, уруш қилиб тургон ҳолда, анга аҳамият бермай, бир-бирлари илан уруш-талаш қилишиб, қилоятни қарибод қардилар, яъни Россиялар ҳимоятсиз қолган Тошқанд шахрини бир неча қун қамаб, охири 1865 йил 15 июнда субҳ вақтида Қамолон қарвозасидин қариб қатҳ қилдилар».

Бизнингча, Мирзо Олим қиёли қиши қифатида мустамлақачилик қиёсати ва унинг оқибатларини таҳлил қилмоқчи бўлади. Бир томондан «Тарихи Туркистон» асарининг муаллифи Россия қосқинига рус маъмурияти қозиқиясини ёқлаб қикса ҳам, бошқа томондан у асарининг турли жойларида қамонасидаги ақлат-қизлик, маъмурларнинг феъл-ақворларини танқид қилади. Қини ва қиллатининг рус маъмурияти қаврида таназзулга қуч қелганини қайғу ва алам қилан таъқидлайди, қиллатдошлари орасида қирлик ва иттифок йўқлиқидан афсусланади, маънавий ҳаётнинг инқирози, қилимқизлик ва қажолатдан қайғуради: «Туркистон хонлари вақтида мусулмониялар ниҳоят қаражада ақволи оламдин қабарқиз бўлдилар. Қадимқи ҳаққоний уламолардин оз асар қолиб, қолиқ зуҳду тақво бўлмай, қиёқор ва ҳушмадқўй қўпаймоқца эди. Қолим

хокимларга рост ва тўғри сўзни айтадургонлар колмай, золимлар учун беш-ўн тилло бадалига эртадин кечгача хушомад сўзлар айтиб, алар кандай сўз айтса, маъкул дейдургонлар бўлган ... Умаро ва вузаро ва вукалоларнингак-сари ё Эрон асирларидин ва ёки ёшликда бачча бўлуб, бек ва хон кўтарган бефаросатлардин тайин бўлур эди. Илму маорифда бўлса, Туркистонда ўтган Ибн Сино, Форобий, Улугбек, Али Кушчи ўрнига ўлтургон олим, файласуфи замон деганларимиз иззату нафс ва риёкорликга табдил бўлуб, жahl балосига мубта-ло бўлган эдилар».

Мирзо Олим хар кандай халкнинг уйғониши ҳам, инкирози ҳам ахлоқдан эканини яхши тушунган холда ёзади: «Худованди карим бирор кавмини тағйир ут-табдил килмокни хохласа, аввало ул кавмнинг ахлоқ ва атворини тағйиру табдил киладур. Бу сўзлар гарчанд дурушт ва аччиг сўзлар бўлса ҳам, лекин инсоф назари илан каралса, тўғри ва рост сўзлардур».

Мирза Олим Махдум хожи илм ва маърифат тарафдори си-фатида барча элатдошларини турли илм ва касбларни ўрганиш-га, ривожланган миллатлар каби тараккиётга интилишга даъ-ват килади ва «илми динсиз охират йўли топилмагандек, маориф ва камолотсиз дунё йўллари ҳам топилмас», деган хулосага келади. Бу билан «Тарихи Туркистон» муаллифининг биз билан ҳамфикр эканига амин бўламиз. «Тарихи Туркистон» асарининг мазкур янги илмий нашри манбашунослик, матншунослик ва тарихий асарларни чоп этиш талаблари асосида тайёрланди. Табдил жараёнида баъзи тахририй ва баён услубида жузъий ўзгартиришлар киритилди, хижрий йиллар билан бирга милодий йили ҳам кўрсатилди. Асарнинг бундан 16йилмукаддам («Насаф»нашриёти, Карши, 1992) босилиб чиккан нусхалари (нашрга тайёрловчилар Н. Абдулҳаким, Т. Алимардонов) бугунги кунда мутахассисларнинг ушбу манбага бўлган эҳтиёжини етарли даражада кондира олмаяпти. Унда ноширлар томонидан табдил вақтида кўп хатоликларга йўл қўйилганки, уларнинг камчиликларини кўрсатиш ва тузатиш ўрнига асарни қайта нашрга тайёрлаб, изоҳлар билан чоп этиш маъқулроқ туюлди. Бирок шу муаллифларнинг форс-тожик тилидан ўзбек тилига таржима этилган тарихлар ва баъзи шеърый парчаларидан ҳам фойдаланилди. Ушбу сатрлар муаллифи мазкур нашрнинг муҳаррирлари, такризчилари, «Янги аср авлоди» нашриёти раҳбарияти ва ходимларига ўз миннатдорчилигини билдиради.

Шодмон ВОХИДОВ,
тарих фанлари доктори

давоми бор...